


ИЮЛЬ 7 1988



# ЁШ КУЧ





**П**ойтахтимиздаги А. Гаидар номли кутубхона янги, замонавий бинога кўчиб ўтди. Янги жойнинг янги ташвишлари, ўзига хос муаммолари бўлади. Уларни ҳал этиш ёш китобхонларнинг ташаббуси, беғараз, сидқиқидилдан берган ёрдамига боғлиқ.

А. КУДРЯШОВ фотоси.







# ЎҚУВЧИНИ МЕХНАТГА

# ЎҚУВЧИНИ МЕХНАТГА

айби йўқ. Масаланинг чигаллиги, шу ўқувчиларда ишчи касбига нисбатан оташин бўлмас ҳам оддий қизиқишнинг йўқлигида. Мактаб ислохоти эҳтимол келгусида ўқувчининг жисмоний меҳнатга муносабатини ўзгартирар. Ўқувчиларда жисмоний меҳнат ақлий меҳнат каби бирдай шарафли эканини ҳис қилдира олганимизда мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига замин яратган бўлур эдик.

Республикада юқори синф ўқувчиларининг бир ярим мингдан зиёд меҳнат-роҳат лагерлари мавжуд. У ерда ўқувчилар ҳар куни 4 соат ишлайдилар. Ишлаб чиқаришда машғул бўлган меҳнат отрядлари фаолиятидаги соф фойда ўтган йили 115 миллион 931 минг сўмни ташкил этди.

Вобкент районида «Машъала» меҳнат-роҳат лагери ташкил этилган. У ерда ишлаб чиқаришдан — яъни оталиқ хўжалигидаги меҳнатдан ажралмаган ҳолда комсомол активи ўқуви ўтказилмоқда. Когон район 8-СПТУ база-сида яна бир меҳнат-роҳат лагери очилган. Унда райондаги ҳунар мактаблари ўқувчилари ишлаб, дам олишади. Фарғона областида ҳам яна бир меҳнат-роҳат лагери очилиши мумкин эди-ю... лекин очилмади. Сўнги муддатда уни пионер лагерига айлантиришди. Лекин областда меҳнат қилишни истовчи ўқувчилар учун иш топилади.

Шу йил февралнинг охирида Кумушконда ёзги меҳнат чораги ташкилотчиларининг семинари бўлиб ўтди. Область комсомол, агро-саноат комитети вакиллари қатнашган мазкур семинарда меҳнат шартномаларини тузиш, бригада ва отрядларни ташкил этиш ҳақида фикрлашилди. Бир ойдан кейин эса Ворошилов районида ўқувчилар меҳнат бирлашмалари ва ишлаб чиқариш бригадалари Республика слёти бўлиб ўтди.

Далада ишлаш нималигини намунали бригада раҳбарларигина эмас — ҳар бир қишлоқ боласи яхши билади.

— Ўтган йили мен Қашқадарё областида бўлган эдим, — дейди юқори синф ўқувчилари меҳнат бирлашмалари республика штабининг комиссари Эгамберди Раҳматов. Бир совхоздан бораётиб, йўл четида машинани тўхтатдим. 11 ёшлар чамаси 4 қизалоқ қатқалоқ қилишаётган экан. Суҳбатдан маълум бўлишича улардан икkitаси 5-синфда, икkitаси 6-да ўқишар экан. Далада катталар ҳисобига — бири уйда ишлаётган опаси, яна бири онасининг ўрнига ишлаётган экан... Совхоз табелига табиийки уларни киритишмабди — молиявий интизомни бузмаслик учун...

Болаларни ёшини ҳисобга олмай ишлатиш гумроҳлик эмасми? Албатта ёш авлодни меҳнатга ўргатиш керак. Лекин бунда меъёр туйғусини унутмаслик керак-да. Ҳолбуки меъёр туйғуси аллақачон унутилган — энди тарбия ҳақида, тўғрироғи баъзи ота-оналарни қайта тарбиялаш ҳақида жиддий гапирмоқ зарур.

Болалар эстониядагидек ҳар жиҳатдан тенгқурларига ўхшаб меҳнат қилишса кўнглидагидек бўларди, яъни маълум соатларда ишлаб, рисоладагидай овқатланишса, меҳнатларига табелда имзо чекиб ҳақ олишса... Қолаверса, меҳнатда намуна кўрсатганлар мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқишса — ўтган йилдан бошлаб ЎзЛКСМ Марказий Комитети уч катта группа — ҳар бир областдан олтитадан ўқувчини йиғиб Москва — Киев — Одесса маршрути бўйлаб экскурсия ташкил этди. 5 кун давом этадиган бу экскурсия бепуллиги ўқувчиларни рағбатлантириши табиий. Ҳеч ким экскурсияга боришни рад қилмас керак.

Меҳнат ва дам олиш кучоғига отланган ўқувчиларига «Ёш куч» журнали оқ йўл тилаб қолади!..

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ҳурматли ўқувчилар! Ўқувчининг меҳнати фақат ўқишми? Агар фақат ўқиш бўлмаса, сиз яшаб турган жойларда ўқувчининг меҳнати қандай ташкил этилган? Бу борада сизнингча қандай муаммолар мавжуд? Редакция сизларнинг шу ҳусусдаги фикрларингизни билишни истайди...

ғул бўлади. Буларнинг тахминан ярми, 90 минг ўқувчи меҳнат-роҳат лагерларида ёки ўқувчилар дружиналарида ишлашни маъқул топишади. Қолган ўқувчилар якка тартибда ишлашади.

Якка тартибда ишлаган ўқувчилар меҳнати ташкил этишда гап кўп. Мактабнинг, айтайлик қишлоқда оталиқ хўжалиги бор. Шунинг учун ўқувчи истагига кўра цехда ёинки далада меҳнат қилади.

Тарихда ҳар бир авлод болаларни меҳнатга ўргатишнинг ўз йўриғини топган. Ҳозир ишлаб чиқариш мураккаблашиб, биз анча довдираб қолдик.

Болаларга ишлашга жой қани?

Шундоққина ёнгинамизда. Корхона кадрларга эҳтиёж сезар экан, барча воситалар билан ўсмирни ишга жалб қилишнинг йўлини топиши керак.

Яна бир муаммо.

Мактабдаги ўқиш — бу соф ақлий меҳнат демакдир. Биз нима қиламиз? Бир томондан жамиятга ўн миллионлаб инженерлар, врачлар, тарихчилар, тилшунослардан кўра шунча ишчилар — қурувчилар, тикувчилар бўлиши муҳимлигини таъкидлаймиз, иккинчи тарафдан болаларни ёппасига партага михлаб ташлаганмиз. Ҳолбуки, ҳаммага ойдай равшан — болаларнинг энг қамида ярмиси ақлий меҳнатга мойил эмас...

«Маҳаллада дув-дув гап» бадий фильмида бир эпизод бор. Йигит қизга консерва заводи-га ишга киришни таклиф этганида қиз бурнини жийиради. Шунда йигит «консерва ейишни яхши кўрасизу, консерва заводида ишлашни ёқтирмас экансиз-да?» деб танбеҳ беради.

Бугун ўрта мактаб битирувчиларининг 90 фоизи хаёлан ўзининг келажагини олий мактаб билан боғлаб қўйган. Тўғри, бунинг ҳеч

Мабодо Эстонияга йўлингиз тушиб қолса шаҳар боғларида хиёбонларни супураётган ўсмирни, ошхоналарда кўли-кўлига тегмай кизмат қилаётган ёш қизларни кўришингиз мумкин. Мактаб ўқувчилари катталар қаторида завқланиб меҳнат қилаётганининг ўзи кўзни қувонтиради. Ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат қандай шакллантирилади? Бунинг сирини оддий: вақтни бой бермаслик, тарбияни ўздалик чоғидан бошлаш керак. Саккиз яшар болага бирон нима тикишни ўргатиш осон, у ҳали бу «қиз боланинг иши» деб бурнини жийирмайди.

Эстон оилаларида болалар меҳнати анъанавий бўлиб келган. Шунинг учун эстон қишлоқларида болаларнинг меҳнат тарбияси муаммоси бўлмаган. Эстонияда шаҳар болалари ҳам меҳнат қилишади. Мана, айтайлик Пярнудаги мактаб ўқувчилари ёзда музқаймоқ сотишади. Завод конвейерларида меҳнат қилишади. Хийумаа оролида пичан қирқишни асосан Таллин шаҳар мактабларидан бирининг ўқувчилари уддалашади. Умуман айтганда, ҳар бир шаҳар мактаби ўз «дала-ери»га эга.

Эстонияда ҳаммаси бўлиб ёзда 89 процент ўқувчи халқ хўжалигида меҳнат билан маш-



**К**адимий номи билан аталадиган бу гўша ўрнини хариталардан излаб топиш мушкул. У автомобиль ва темир йўллардан йироқда, Эски Термиз харобалари ортида, Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикаси чегараси ўтган минтақада жойлашган. Бу ерга машиналар ва поездлар, завод ва фабрикалар шовқин-суронлари етиб келолмайди, унинг мудроқ тинчлигини бузолмайди. Унга камдан-кам одамларнинг қадами етади. Шимоли ўшма соҳил, жануби афғон юртидаги Бақтрия пасттектислиги. Яшил маскан танасини Аму тўлқинлари кеча-кундуз, қишин-ёзин ювиб туради.

1971 йили табиат андозаси сифатида Пайғамбар оролида Давлат кўриқхонаси ташкил этилди. У тўқайзор ўсимлик ва ҳайвонот дунёси: Бухоро бугуси — хонгул, тожик тустовуғи ва Ўрта Осиё тўнғизи, Эрон сувсари ва тўқай мушуги — хаус сингари кўплаб ҳайвон, паррандалар, ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларни ҳар жиҳатдан ўрганиш, кўпайтириш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди.

Келинг, табиатнинг бу кўҳна хилхонасига сафар қилайлик, сўнгсиз таассуротларимизнинг бир сингилни бирга баҳам кўрайлик.

## Тарих мудрайди бунда

**Б**оботог жанубидаги Ориқтоғнинг тош-метин жинсларидан озод бўлган Аму кенг текисликка чиқиб, шимолдан Улоққирлиди ва Каттақум тепаликлари, жанубдан эса афғондаги Дашти Сиёҳгирд чўллари ўрталигидан ёйилиб ўтиб, Пайғамбар оролига рўбарў келади. Қудратли дарё орол пойига шиддат билан урилгач, шаштидан қайтади, тошқин эҳтироси сусаяди. Эндигина тоғлар исканжасидан қутилиб, кенгликларга қулоч отган, эркин ҳаракат ва озодлик гаштини бирров туйган дарё оролга путур етказмай иккига бўлинади-да, уни қучоғига олиб, табаррук жойни тавоб қилгандек оролни айланиб ўтиб, яна бирлашади. Сўнгра жануб даштлари томон узоқ ва хайрли сафарини бошлайди.

Қайнққа тушамиз. Мотор кучли гувиллайди, сув юзасида қуюқ оқиш-қўқиш тутун тўлғанади. Моторнинг акс садоси тик соҳил узра янграйди. Ҳашпаш дегунча Амунинг лойқа тўлқинлари катерни қушдек елкасига олди. Мотор гуриллаганда соҳил қавакларидан хуркиб кўтарилган ёввойи каптарлар бошимиз узра чарх уриб учаяди. Дарё билан юзма-юз турган бундай пайтларда у ҳақда билган,

эшитган, ўқиган нарсалар катер қуйругидан қайнаб отилаётган пўртана сингари тошиб келавиради.

Кимсасиз орол ўртасида қад кўтариб турган пишқ пишқин иморат бу жойларга ҳам инсон қадами етганидан далолат беради. Ҳар гал сахро, қум тепалар оша юриб, мақбарага етиб борарканман қалбимда мавҳум — мунис, аммо ҳаяжонли туйғулар жўшганини сезаман. Шуниси ажабланирликки, у биз ўйлаганчалик ташландик хароба эмас. Ўрмон чумчуқларининг чирқиллаши, зарғалдоқларнинг сайроқи овози, ёввойи каптарларнинг гуғулаши унга жон киритиб туради. Бу қушлар тўда-тўда бўлиб учиб-қўниб юради, гиштин девор қавакларидан бош чиқариб сизга боқади.

Анча йиллар давомида бир она бугу шу ерни макон қилди. Биз уни қаҳратон қиш кунлари, саратоннинг жазирамаси, ўқирган «афғон» довуллари дастидан қочиб, шу гўшада жон сақлашни билардик. Сўнгра она бугу муқим ўрнашиб олди. Кечалари нар ва мода бугулар сайр қилишарди. Баҳор кезлари улар юрган йўлларда бугучаларнинг митти-митти излари пайдо бўлди. Онда-сонда йиртқич бўриларнинг оғир панжаларини шўрхоқ тупроқ устида кўриб сесканардик. Бироқ улар мақбара ичига киришга ботина олишмасди. Афтидан мақбаранинг инсондан қолган улғу эканлиги уларни чўчйтиб турарди. Бир неча йил обидани кузатиб юриб, ҳар қалай кимсасиз бўлса-да, унинг бутунлай ёлғиз қолмаганлигини, қишин-ёзин гавжумлигини кўриб хурсанд бўлардим.

Синчковлик ва қизиқувчанлик зоҳирдаги нарсалар билангина қаноатланмай, балки мавҳумот ботинга ҳам киши эътиборини йўналтиради. Оқибатда Зулл Кифл мақбараси номи билан машҳур бу обида тўғрисида талайгина манба ва ривоятларга дуч келдим.

Зулл Кифл дегани нима? Арабчада айнан, зулл — ҳақирлик, фақирлик; кифл — улушли, ҳиссали, яъни бирон фақирона улуши, ҳиссаси бор, деган маънони англатади. Академик В. В. Бартольд мазкур мақбара хусусида қуйидагиларни ёзган: «Х асрда Келиф шаҳрида қуръоний ривоятларга боғлиқ зиёратгоҳ жой бўларди. Дарёнинг чап соҳилидаги бу жойни Зулл Кифл работи деб аташарди, Фақир ҳиссали Зулл Кифл пайғамбар бўлиб, унинг номи Қуръоннинг XXI сура 85-ояти ва XXXVIII сура 48-оятида қайд этилган. Уни Илёс, Осиё ёки Закарийё пайғамбарга нисбат беришади. Кейинчалик унинг қадамжойи хилватгоҳ Пайғамбар оролига кўчирилди».

Кексалар эса бу минг йиллик воқеани бундай ривоят қилишади: эмишки, Келифда энг улғу авлиё-анбиёлардан бири яшаган. У фоний дунё чиматини юзига тортишдан аввал барча муриду шо-

гирдларини ёнига чорлаб, дебди: «Мен яқинда бу дунёни тарк этаман. Вафотимдан сўнг жасадимни ёғоч сандиққа солиб, Аму тўлқинларига ташлангиз». Авлиёнинг амри ва васияти вожиб. Айтганидек қилишади. Ҳаммани ҳайратга солгани шуки, сандиқ оқим билан эмас, балки оқимга қарши сузиб кетади. Шунда дарёнинг икки бетида маросимни кузатиб турган оломон аюҳаннос кўтариб, сандиқ изидан югура бошлайди. Авлиёни ранжитибмиз, у биздан ризо эмас, деб юзини тимдалаган, сочини юлганнинг сону саноғи йўқ. Сандиқ оқимни ёриб сузаверибди, ҳалойиқ унга эргашиб бораверибди. Ва ниҳоят Термиз кўпарасига етгач, сандиқ тўхтабди. Авлиё қопқоқни очиб, бошини кўтарибди ва ҳалойиққа хитоб қилибди: «Бу ёғида Термиз ота ёғибдилар, у кишини ҳатлаб ўтишга ҳаддим йўқ. Шу ерга, у кишининг пойларига етиш ниятим эди, етдим», дебди. Сандиқ қопқоғи ёпилибди. Шу ондаёқ сандиқ тагидан орол қалқиб чиқибди.

Қуръони шарифда улуши бор бу пайғамбар мақбараси хусусидаги афсона ана шундан иборат. Лекин бу афсона. Дин маддоҳлари манфаатларига минг йиллар хизмат қилган чўпчак.

Пайғамбар оролида тарих мудраб ётибди...

Балазурий ва Табарийларнинг далолат беришича, ҳижрий 70-йилда мусулмон давлатидан ажралиб чиққан Мусо бин Абдуллоҳ бин Ҳозим таваккал қилиб Термизни босиб олади ва ўз бошига кўп савдолар ёғдириб, унга ўн йилдан ортиқ (милодий 689—704 йиллар) ҳукмронлик қилди.

Араб лашкарбошиси Усмон бин Масъуд 704 йилнинг охирида ноийб ал-Муфаддал бин Муҳаллаб топшириғига мувофиқ 15 минг лашкарни оролга бошлаб келиб, шаҳарни қайтадан забт этишга муваффақ бўлди. Бу ҳарбий ҳаракатлар ва ундан кейинги жуда кўплаб урушларда Термиз рўпарасидаги орол гоят муҳим роль ўйнади.

Шундан сўнг орол Жазират Усмон, яъни Усмон ороли (жазира — арабча орол) деб аталиб келинади. Ўрта асрларда Ўрта орол ва ниҳоят Зулл Кифл қадамжойи Келифдан кўчириб келтирилгач, Пайғамбар номи билан атала бошланди.

## Орол

**К**ўриқхона майдони салкам 4 минг гектар. Дарё ўзани бўйлаб узунлиги 8, эни 5—6 километрдан ошмайди. Наботот дунёси уч хил манзара: туранга ёки паттазор тўқай, ёввойи жийдазор тўқай ва шўрхоқ ерларга қунгирадор чакалакзорлардан иборат. Дарахтларнинг баландлиги 6—7 метргача, тана-

Менгайё САФАРОВ

# ПАЙҒАМБАР ОРОЛИ



# ИНҚИЛОБ СУРУРИ

Афғонистонда ишлаётган дўстларимдан бири навбатдаги отпус-касида Саййид Сирожиддин деган форёблик ўзбек шоирининг йигир-матача шеърини олиб қайтибди. Дўстимнинг исми шарифи — Мурод-жон Муҳамедов, касби инженер. Адабиётни яхши кўради. «Янги борган пайтларим, — ҳикоя қилади Муроджон ака. — Биз билан маҳал-лий мутахассислар ёнма-ён ишлар эдилар. Мозори Шарифдаги газ-нефть техникумини эндигина битириб қайтган ёш ўзбек йигити билан яқиндан танишиб қолдим. Камсуқум, серандиша бу йигит шеър машқ қилар экан. Унинг шеър ёзишини тасодифан билганман. Воқеа шун-дай бўлди: Хўжа Гугардак газ юбориш марказининг бошқариш залида иккаламиз навбатчиликда туриб қолдик. Уззукун приборларга қадалиб ўтирмайсиз-ку. «Спидола»ни бурайман. Тошкентни эшитгим келади. Бирдан «Машъал»га тушиб қолдим. Уринбой Нуралиев Машраб га-зали билан айтиладиган бир қўшиқни куйларди. Шеригим ялт этиб қаради. Қўшиқни охиригача тин олмай эшитди.

— Қалай? — дейман шеригимнинг қўшиқдан олган ҳаяжонини ўз тилидан эшитиш истаги билан.

— Шеър зўр, шеър! Ундаги дардни, оҳангни қаранг! — шеригим ўрнидан туриб кетди. Шеърни завқ ва ҳаяжон билан қайта ўқиб берди.

— Узингиз ҳам ёзасиз! — Хаёлимга келган нарсани ишонч билан айтдим.

У жим қолди.

Ўзбекистонга қайтар эканман, шеърларидан сўрадим.

— Қандай бўларкин...

Гапимиз узилиб қолди. Эртасига мени қузатар экан, қўлимга ийманибгина дафтар тутқазди. Унда мана шу шеърлару ихчамгина «Таржимаи ҳол» бор эди.

Муроджон аканинг ҳикояси мени қизиқтириб қолди. Шеърларни ўқиб чиқдим. Уларни, албатта, бизнинг бугунги шеърятимиз билан қиёс қилиб бўлмайди. Жўн, одми. Анъанавий ишқий газалларда як-ранглик кучли. Адабиётимиз ортда қолдирган китобийлик, баланд-парвозлик, насихатбозлик тез-тез учраб туради. Фикр кўп ҳолларда яланғоч ифодаланади. Нуқта кам. Ҳозирги таранг, рангдор ўзбек шеър-ига ўрганган ўқувчига у зерикарли туюлиши мумкин.

Саййид Сирожиддин бирор ерда малакали адабий таълим олган эмас. У чинакам маънода ҳаваскор шоир. Шуларга қарамай, янги турмушга жонбахшлик, меҳнат ва меҳнат аҳлига муҳаббат, классик адабиётнинг энг яхши анъаналарига, хусусан Навоийга ворисийлик туйғуси шоир шеърларидаги сактаъ ва нуқсларни кўп-да сезди-рмайди.

Бу ўринда яна бир нарсани ҳисобга олиш мутлақо шарт. Бу шеър-

Саййид СИРОЖИДДИН

## Бас қилинг

### Ўлкадан кетганларга

Ўлкадошлар, ўлкадин бегоналикни бас қилинг  
Дарбадарлик, хорлик, бехоналикни бас қилинг.  
Юрмангиз бегоналар юртида ҳар ён отилиб  
Эмди ёт эллар билан ҳамхоналикни бас қилинг.  
Алданиб ёв сўзига юрманг жаҳолат айлабон,  
Эй йигитлар, расми густоҳоналикни бас қилинг.  
Дўстлар бирлик майдидин нўш этиб мундин буён  
Еш улуслар бирла «ҳампаймона»ликни бас қилинг.  
Ғам чекиб ҳижронингизда бўлди кўнгуллар хароб.  
Раҳм этинг охир, кўнгул вайроналикни бас қилинг.  
Кўз тугиб доим йўлингизда турибдур оналар  
Ўлка қўйнига келинг, бегоналикни бас қилинг.  
Илтимосим доимо Сиздин шу(л)дур ўртоқлар  
Ғайрилар юртида бекасоналикни бас қилинг.

## Васл ғами

Дилбарим, ишқингда кўб зору паришон бўлмишам,  
Фурқатингдин ўртанибон доғу бирён бўлмишам.  
Ифтихорим, севгили ёрим сани васлинг эди,  
Айру васлингдин тушуб эл ичра ҳайрон бўлмишам.



Лабларингни шарбати эрди манга оби ҳаёт,  
Неча кундур нўш этолмай турфа сўзон бўлмишам.  
Ой жамолдин шавқидин бир неча кун хушнуд эдим,  
Гул юзингдин айрилиб бесару сомон бўлмишам.  
Кечалар минг оҳу фарёд айларам ҳажринг билан  
Доимо васлинг ғамидин дийда гирён бўлмишам.  
Кўрмадинг лутфингга лойиқ ман ғарибу хастани,  
Шул сабабдин, маҳвашо, шўрида ҳар он бўлмишам.  
Келгил эмди ман сари, эй дилбари нозик бадан,  
Кўз тугиб ман мубталоий оҳу афғон бўлмишам.

## Йигитлар

Янги жаҳонни тузган, бул нуқтадон йигитлар  
Зулмат уйини бузган, соҳибқирон йигитлар.  
Аҳли ситамни янчиб, ер бирла қилди яксон  
Майдони разм арода Рустаминон йигитлар.  
Элга буюк саодат ижод айладук деб  
Санғат йўли томонга бўлгай равон йигитлар.  
Евни ватанда кўрса гар шар'ру фитнасини  
Монанди арслондек бермас амон йигитлар.  
Миллатни обрўсин ўз жони бирлан асраб  
Миҳанд кеча-кундўздур посбон йигитлар.  
Ғайрат яроғи бирлан душманни бағрин иртиб<sup>2</sup>  
Бугъзу адоватидан қўймас нишон йигитлар.  
Эркин диёримизда ҳамдамлашиб кезайлик  
Қонё тилаки шулдур, эй қаҳрамон йигитлар.

<sup>1</sup> Емонлик  
<sup>2</sup> Ийртиб  
<sup>3</sup> Ҳасад

Бегали ҚОСИМОВ,  
филология фанлари доктори.



Сирожиддин САИДОВ

\* \* \*

Шивирла.  
Шивирла.  
Йиллар ўтади.  
Ҳозир «Сен» дан бўлак  
Сўз йўқ ўртада.  
Бир-бирига муштоқ,  
бир-бирдан айро  
Соҳилларга бўзлаб  
кетади дарё.  
Одамлар ўтади  
гофил, билмасдан, —  
Сершовқин дунёда  
шивирламасдан.  
Ярми — аэродром,  
ярмиси — бозор  
дунёда, шукрим  
шивирламоқ бор.

Шивирла.  
Бу онлар  
ониким, ёнгум.  
Дунё ўткинчидир.  
Бу онлар — мангу!

### «Ўзингизга олманг»

Менга таъсир қилар ҳар қандай гап-сўз.  
Йигилиб келади алам бўғзимга.  
Мен ҳеч кимга буни айтмайман.  
Ўзимга оламан.  
Ўзимга.  
Ана, кулиб кетди дўсти бепарво,  
боқмайин «қарс» этиб синган-сўзимга.  
Мен буни ҳеч кимга айтмайман,  
Ўзимга оламан,  
Ўзимга.

Буниси кўрганда меҳр билдириб,  
Оёқ қўйса ҳамки зимдан юзимга,  
Мен буни ҳеч кимга айтмайман  
Ўзимга оламан,  
Ўзимга.

Мен ўзимга олдим йиллар додини,  
Ўзгалар айбини олдим ўзимга.  
Ўзгалар хатоси  
харсанглар каби  
урилди кўксимга.  
Кўксимга!  
Қисматлар кўрдим мен — жонивордай зор.  
Чехраларни кўрдим — бевақт ўксиган.  
Кўзлар  
хўл қушлардай келиб урилди  
Кўксимга!

Кўксимга  
Кўксимга!  
Ростлардан кўйдим мен, ёлғонлардан ҳам,  
Шундай бўлишини балки билганман.  
Йилларки дунёлар изтиробини  
мен ўзимга олиб келганман.  
Сиз тинч яшайверинг.  
Ўзингизга олманг.  
Сиздан дард олдим мен, тийин олмадим.  
Бир сас сингиб борар умрлар аро:  
«Ўзим учун куйнолмадим».

\* \* \*

Йигирма етти йил! —  
Йигирма етти тоғ  
Ортимда тизилди.  
Мен соғ қолдимми, соғ?

Бу эшик — Тириклик  
Бу бешик — Ҳаёт.  
Йигирма етти йил —  
Севгиме ё Сабот?

Озода қушларим  
Қаерга учди?

Кўр:  
Чайқалибон қолди  
Йигирма етти кўл.  
Ярми лойқаланган.  
Ярми — нафармон.  
Еттиси осмондир,  
Еттиси — армон.

Худди шундаин  
Асрим ҳам илҳақ —  
Ярми қарғиш бўлса,  
Ярмиси тилак.

Сизлар-чи, сизлар! —  
мақсадлари мижғов  
мол-мулк қуллари,  
Виждон қани, виждон?!

\* \* \*

Эркин ВОҲИДОВга

Тоғларда йиқилди ярадор оху.  
Кўзларида видо-о, дамлар!  
Унинг қора қонга беланган руҳи  
Мангу қарғаб ўтар сизни, одамлар.

Фаришта дарёнинг оппоқ томоғин  
Бўғди темир-бетон панжара...  
Кимлардир ўзига етолмай ўтди,  
Ўзин ўзиб кетди қанчалар.

Жавоблар, бенишон жавоблар!  
Асрини юраги ҳасратга тўлиқ.  
Ўтди шоир-кирдикорларга  
Дунёларнинг саволи бўлиб.



Собир ҲАКИМОВ

### Даврада

Енганим йўқ, шеърнинг дардида  
Нега мандан шеърлар сўрайсиз  
Ҳа, биламан яхши шеър излаб  
Сиз ҳар кунни газет қарайсиз.

Билмай сизда сиз ҳали мени  
Мени ёққан инжиқ кўнглимдир  
Мен номини билмаган ҳатто,  
Қафасдаги қушлар синглимдир.

Менга қолса тўқайга қараб  
Қувар эдим циркдан шерларни  
Ғиринг демай яшамоқ қийин  
Кўриб туриб тамагирларни.

Устоз Ойбек шеър битиб кетган  
Нағматакни сўрай офтобдан  
Ва Чимённинг долаларини  
Юлиб олай «Қизил китоб»дан.

Ҳақиқат деб бўзлаган кимса,  
Қаердадир визиллаган ўқ  
Шеърга ўхшаб кўринса сизга  
Айтиб қўйай менда гуноҳ йўқ.

Енганим йўқ шеърнинг дардида  
Нега мандан шеърлар сўрайсиз  
Ҳа, биламан яхши шеър излаб  
Сиз ҳар кунни газет қарайсиз.

Ўқийсизми? Майлига унда,  
Мен қалбимни қозоғза сочай  
Мудраб ётган вулқонларим бор  
Кўзларига қаламни санчай.

\* \* \*

Тушим ўнгми,  
Ўнгим тушми?  
Бугун яна  
Турдим ҳайрон.

Нигоҳимдан  
Чўғда ёниб  
Ташлаб кетдинг  
Мени қачон.

Чарбоғдаги  
Атиргулга  
Чирмовуқлар  
Уралдимми.

Минг йилларки,  
Булбул сайрар  
Ғунча кўнгили  
Еролдими?

Нигоҳ қалбнинг  
Дарчаси, деб  
Айтишгани  
Елғон экан.

Сўнгиғача  
айтолмасанг  
Сирларинг  
Емон экан.

Тушим ўнгми,  
Ўнгим тушми  
Бугун яна  
Турдим ҳайрон

Нигоҳимдан  
Чўғдай ёниб  
Ташлаб кетдинг  
Мени қачон.

### Қамчибек КЕНЖА

\* \* \*

Икки — уч, гоҳ ундан ортиқ  
Одам яшар ҳар бир вужудда:  
Оталардан ҳижолат тортиб,  
Қанча дардни ичига ютар.

Икки — уч, гоҳ ундан ортиқ  
Одам яшар ҳар бир вужудда:  
Гарчи битта бўлса-да ёстиқ,  
Ўтмишин сир тутар жуфтдан.

Икки — уч, гоҳ ундан ортиқ  
Одам яшар ҳар бир вужудда:  
Фарзанд — гарчи жонда-да

ортиқ,  
Қанча дамлар кечар сукутда.

Дўсту ёрдан пинҳона, барҳақ  
Не-не синоат бор  
Ва не-не умр.  
Лекин  
Шунча юкни кўтариб юрмоқ  
Вужудгамас,  
Юракка оғир!

\* \* \*

Неча йиллар ҳамхонайдик  
Келар эди тонгми, кечми,  
Зиналарни ниқтаб босиб,  
Шартта тортиб зич эшикни.  
Бошқа жойга кўчди бир кун...  
Бугун кимдир қия очиқ  
эшик зангин чалди секин.  
Бўсагага чиқсам шошиб,  
У турарди, жим, жилмайиб,  
Қўл узатди сўнг ийманиб.

### Таъзир

— Бериб туриг юрагингизни,  
Йўлимни бир ёритиб олай...  
— У, авф этинг, каминангизни,  
Ўтинчингиз ғайри, ноқулай.

Ранжиманг-ку, деб: «хасис,  
нокас»

Ҳозир Данко замони эмас.  
Токай мўлтирайсиз бировга  
мулзам,  
Юраги чақмоққа  
айланмаган одам?!

### Ота, ўғил

Иўртиб борар бир арава  
Қиш пайти дашт йўлида.  
Изғиринли шамол эсар,  
Зор учмас ўнг-сўлида.

От жиловин бошқарарди  
Ўрта яшар бир одам,  
Ўзи билан олганди у  
Ушоққина ўғли ҳам.

Кўриб қолди бола бир пайт  
Ўзоқдаги қорани:  
Ғимирларди бир тўп нарса,  
Титкилашиб ғарамни.

— Дада, дада, бир қаранг-а,  
Нима анув қоралар?  
Жавоб берди ота аста:  
— Қарға, ўғлим, қаргалар.

Давом эгар улар йўлда,  
Эрмактаб бола-чи,  
Кўймас бир хил сўроғини:  
— Анов-чи, ҳув анов-чи?!

Йўл юрилар, мўл юрилар,  
Савол-жавоб тўхтамас,  
Зада бўлса ҳамки ота,  
Бас, демоқни йўламас.

Юрилгандир ўн чақирим,  
Сўроқ юз бор бўлгандир.  
Ота, ўғли юз бора ҳам  
Суйиб жавоб бергандир...



# ҚИРҚ

# БЕШИНЧИ

# ЙИЛ

# НОНЛАРИ

Уруш йиллари. Қишлоқ тўзиган. Кекса бобом қўлига беш оила қараммиз. Акам етти, мен беш яшар, онам қўлида эдик. Ҳамма келинлари қатори бобом эрталаб оғамни чақириб, атала қилиб ичиш учун бир пиёла ун берар эдилар. Бу ун арпа уними, ёввойи арпа уними, маккажўхори уними, тарих уними — бунинг аҳамияти йўқ эди. Шу бир пиёла ун эртага эрталабгача биз учаламиз учун егулик бўлиши керак эди.

Онам шу бир пиёла унни олиб келиб ҳам бизларга дарров атала қилиб бермас эдилар. Сабоби, атала қилиб берсалар бир маҳал ичиб қўйишимиз мумкин эди. Қолган икки маҳалда овқат йўқ. Эрталабгача чидаш айниқса биз икки ёш бола учун даҳшат эди. Шунинг учун онам бизларни далага ҳайдар эдилар. Қарши чўлида фераль ойидаёқ ердан турли-туман ўтлар ниш уриб чиқа бошлайди. У ерларда ейиладиган ўтларнинг тури ниҳоятда кўп бўлади. (исмалоқ, қоқи, ялпиз, йўнғичка, қушоёқ). Айниқса, исмалоқ жуда яхши, фойдали ва тўйимли ўсимликдир. Шу исмалоқ ердан ниш уриши биланоқ уни кўп ўтлар ичидан дарров таниб, ажратиб териб келардик. Онам биз териб келган исмалоқ, йўнғичка ўли, қоқи, ялпиз ва бошқа ўтларни қўшиб, ювиб қиймалар эдилар. Сўнг унинг сувици сиқиб, зувала қилиб урвоқли супра устига қўяр эдилар. Ана шу ўт зуваласини тағмига яраша туз сеппиб, қўллари билан аралаштирай эдилар. Ҳосил бўлган ўт ва уни айланиши устига бобом берган ундан эҳтиётлаб қўллари билан сепар эдилар. Сепилган ун ўт нонининг сувици ўзига шимиб, уни бўлакларни ёки майдаланиб кетишидан сақлар эди. Бари бир бу нонни тандирга ёпиб бўлмас эди. Шунинг учун онам супра устидаги тайёрланган хом нонни рапида устига авайлаб қўйиб атала пишириш учун қизитиб туриладиган қозонга секин туширадидилар. Қозонга туширилган ўт-нон вақти-вақти билан айлантирилиб, ағдарилиб туриларди. Уни тезда ён атрофи, усти қизариб, қабарик пуфакчалар очиб, қотиб-қотиб, олачипор бўлиб пишарди. Бу пишган нон ўз номи билан «қотирма» дейилади. Онам ана шу бобом берган бир пиёла ундан учта қотирма тайёрлар эдилар. Биттасини пишган захотиёқ учга бўлиб

еяр эдик. Қолган иккитасини эрталабгача тамадди қилардик.

1945 йилнинг апрель ойи бўлса керак, бобом бир пиёла ҳам ун бера олмадилар. Онам колхоз даласига кетганлар. Бизлар уйда қолдик. Қорин оч. Нима қилиш керак? Атрофимиздаги амакиларимиз, қўшнилари-мизнинг болалари ҳам биздек оч.

Қишлоғимиз атрофи чангалзор бўлгани учун у ерларда ўт-ўлан анча эрта униб чиқар эди. Шунда бизлар кўпчилик — Раззоқ акам, амакиларимизнинг болаларидан — Мейлиной, Мустафоқул чангалзорга ўт тергани кетдик. «Ширмон топпон» деган ўт бўларди. Биз қидириб борган ерда у кўп экан. Бу ўсимликни барги худди отқулоқ баргига ўхшаш бўлиб, бироқ энга, бўйига катта ва узунчоқ бўлиб, тупроқ остида худди кичкина лавлагига ўхшаган ингичка илдизи бўлади. У жуда ширин таъмли. Ер юмшоқ бўлганлиги учун бизлар кўпини жавлаб олиб келиб, уй чеккасидаги ошхона ичига кириб, пўстини артиб ташлаб, ошхона қоринга роса тўйиб едик. Орадан бир соат ўтар-ўтмас кўнглимиз айнаиб, лоҳас бўлиб, оғзимиздан аччиқ сув ва худди совун кўпчилигига ўхшаган оқ пуфакчалар чиқиб, бошимиз айланиб кўз ўнгимиз қоронғиланиб, бирин-кетин ҳушимиздан кетиб йиқилдик. Кейин нима ҳодиса содир бўлганини билмаймиз. Бир маҳал кўзимни очсам, ёнимда акам чўзилиб ётибди. Бошимда онам, бобом ва қариндошларимиз йиғлашиб ўтиришибди. Онам зор-зор йиғлаб турирдилар. Кейин билсак Мустафоқул ва Мейлиной ҳам «ўлиб қолишган» экан. Кейин билсак бизлар «ширмон топпон»га ўхшаш «каррак топпон»ни паққос еган эканмиз...

Бир ушоқ ноннинг, нон тағмининг қадрли ҳақидаги хотираларим кўп. Унинг бир шингиллини айтдим холос. Ҳозирги тўқчилик даврида ноннинг қадрсизланиши ҳодисалари учра туришини тақрорламоқчи эмасман. Лекин аччиқ хотиралардан ҳозирги ёшларимиз тегишли хулосалар чиқариб оладилар деган умиддаман.

Гўзалбек ХОЛЛИЕВ,  
тарих фанлари кандидати,  
ТошДУ ўқитувчиси.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАЧ...

Зоопарк нега унутилди?

Мен «Еш куч»да Тошкент зоопарки ҳақидаги мақолани ўқиб жуда ҳам ҳаяжонландим.

Нима бу зоопаркми ёки ҳайвонларни азоб-уқубатларга яшашга қодирлигини аниқлайдиган жойми?

Мени ёшлигимда дадам шу зоопаркка олиб борардилар. Бу ердаги ҳайвонларни кўриб бир олам қувонч билан қайтардим.

Ҳозирги 6 яшар ўғлимни олиб борсам дарвозадан кирмасдан, ада нима учун бу ер сасиқ, деб сўрайди.

Дарҳақиқат, наҳотки зоопаркка ёрдам беришнинг иложи бўлмаса. Журналдаги мақолани ўқидиму, барибир бирор ўзгариш бўлишига кўзим етмайди. Ҳа, анчадан бери газеталарда, журналда ана шундай мақолалар босилляпти, лекин бирор-бир ўзгариш бўлгани йўқ. Майли, зоопарк дирекцияси талаб қилгандек билет баҳоси катталар учун 50 тиён, кичикинтойлар учун 20 тиён бўлсин, розимиз, лекин шунга яраша бир олам қувонч, завқ, таассурот олиб қайтишсин. Ҳозир зоопаркка борсанми десам у сасиқ жойда нима қиламан, дейди.

Чиндан ҳам раҳбарлар Тошкентдек пойтахтда зоопарк борлигини унутиб қўйишди-ми?

Еки уларнинг фарзандлари, неваралари зоопарк борлигини билшмайди-ми?

Журналда зоопарк ҳақида мақола босиб жуда яхши ишни бошлабсизлар, катта раҳмат. Бундан кейин ҳам ана шундай мақолалар, уларнинг якуни тўғрисида ўқиб боришни истаимиз.

А. ОДИЛОВ,  
инженер.

Пландан тушиб қолди

Қадрли «Еш куч»! Сен тобора ҳаётимизнинг сермағиз қатламларига кириб бораёсан. Кўпгина муаммоларни ҳал этишда, мушоҳада юритишда журналхонларингга ёрдам бериёсан. Мана бу гапни эшит: бизнинг бўлажак янги мактабимиз биносининг лойиҳаси 1986 йил 10 октябрда Фарғона область ижроия комитети капитал қурилиш бўлимига топширилган эди. Область совети ижроия комитети 1987 йил планига «кеч қолди» баҳонаси билан киритмади. Кейин шундай ваъда беришди: «1988 йили бира тўла битказиб, калитни қўлларингга берамиз». Дарҳақиқат, янги йилнинг дастлабки кунлари қурувчилар ола-тасир билан келиб қолишди. «Мана қайта қуришнинг натижалари, мана ваъдасининг устида туриш» деб хурсандлигимиздан бошимиз осмонда эди. Аммо қурувчилар қандай пайдо бўлган бўлсалар, худди шундай йўқолиб қолдилар. Бор-йўғи икки кун ишладилар. Қизиққан эдик, мактаб қурилиши 1988 йил пландан яна тушиб қолган экан. Ана шунақа гаплар. Бизга ёрдам бер, «Еш куч»

Ю. ПАРПИЕВА,  
Фарғона область, Фарғона районидаги  
61-мактаб директори.

Редакциядан: Пландан тушиб қолишлар, ваъда бериб устидан чиқмаслиқлар — буларнинг бари кечаги кунда қолиши керак эди. Бугунги куннинг шиори: «Сўзинг билан ишинг бир бўлсин!» Буни мактаб қурилишини бўйнига олган ташкилот раҳбарлари биздан ҳам яхши билишади. Лекин... Ҳа, шу лекенига биз улардан жавоб кутамиз.

САВОЛ-ЖАВОБ

САВОЛ-ЖАВОБ

САВОЛ-ЖАВОБ

Тасбеҳ нима?

«Тасбеҳ ҳақида кўп ривоятлар эшитганман. Лекин уларнинг қай бири тўғрилигини билмайман. Тасбеҳ муқаддасми?»

Доно АШУРОВА,  
Фарғона обл., Ўзбекистон р-н,  
Бекобод қишлоғи.

Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси 1986 йил нашр этган «Ислому» справочнигида шундай ёзилган:

Тасбеҳ — (арабча — худони мақташ, шарафлаш) — дуолар ва ибодат сўзларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган мунчоқ шодаси. Тасбеҳ ишлатиш кенг тарқалган барча динларда учрайди, диндорлик ва тақводорлик белгиси ҳисобланади. Ҳозир мусулмон мамлакатларида тасбеҳ кўтариб юриш одатга айланган. Бизда Ҳақат кекса диндорларнинг баъзиларида учрайди.

САВОЛ-ЖАВОБ



«Еш куч»нинг 1-сонида республика прокуратурасининг масъул ходимлари: Файзулла Қиличев ва Обид Нурбоевларнинг «Шахсий намуна, оиладаги обрў-йингиз...» сарлавҳали мақоласи босилган эди. У журналхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Қуйида шу мақола юзасидан келган хатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Мен «Шахсий намуна, оиладаги обрў-йингиз...» деган мақолани ўқир эканман, беихтиёр ўйга толдим. Ана ўша Ш. исмли йигит ўз физика кабинетидagi ноёб асбоб-ускуналарни, приборларни ўғирлаётиб: «Бу нарсалар ўзимга, қолаверса дўстларимга, кичкинтой укаларимга керак бўлмасмикан», деб ўйламадимикан. Тўғри, унинг отаси қабих, нотўғри йўлга кириб кетган экан, унинг ўзи, яъни оқ-қорани таниб қолган йигит виждонни ўртага қўйган ҳолда фикр юритмадимикан? Ҳозирги ўсмирлар ҳар томонлама етук, ўз устида ишлаш оладиган бўлиши керак-ку. Тўғри, мен унинг ўзигагина айб қўя олмайман. Ш. нинг синфдош ўртоқларининг, синф раҳбарининг ҳам айби бор. Чунки воқеа содир бўлишдан олдин йигитнинг юриш-туришида, ўқишида маълум ўзгаришлар бўлгандир. Тўғри «Қуш уясида кўрганини қилади»,— дейди халқимиз, лекин оқ-қорани таниб қолган йигитда айб жуда катта деб ўйлайман. Ҳозирги социалистик жамиятимиз қайта қуриш ва жадаллаштириш хусусида иш олиб борапти. Аввало, қайта қуришни ўзимиздан, оиламиздан бошлаш керак деб кўп

марта айтиляпти. Лекин ҳали ҳам Ш. исмли йигит ва унинг ота-онаси каби кишилар ўзларини қайта қура олмаптилар. Мен ўйлайманки, тенгдошимиз бўлган Ш. танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ўзининг шаънига ва тенгдош дўстлари шаънига туширган қора доғни, ҳозирги ҳаётимизга, яъни қайта қуриш ва жадаллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши билан ювади!

Ҳурматли Ш. Сени келажакда тўғри йўл тугиб кетишинга республикамиздаги барча тенгдош дўстларинг умидвор!

Дилфуза ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Фарғона область, Қува районидаги  
30-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Ш. исмли 10-синф ўқувчиси ўз билим даргоҳига совуққонлик билан қараб ўқувчиларни зарур приборларини лаборатория хонасида ўғирлаган экан. Бу ўқувчи ўзи фойдаланадиган нарсаларни қандай қилиб ўз қўли билан ўғирлаган экан.

Наҳотки у шу нарсаларни ўғирламаса яшай олмайди?

10-синф ўқувчилари мактабнинг суянган тоғи — ишонган боғи. Битирувчи синф ҳаммага намунали хулқи билан ўрнатилган бўлиши керак. Бу ўқувчи эса оила аъзоларининг, ўзининг ўқувчилик номига доғ туширди. Ўғирлик қилган ўқувчи мактабдошларини, ўқитувчиларини қай кўз билан қарашини ўйламасдан иш тутган. Ҳақиқатдан ҳам халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган экан. Бу оилада бошлиқ вазифасини ўтаётган отанинг ўзи шундай ишга қўл ургандан кейин бу отанинг фарзанди қандай бўлар эди. Бу ўқувчига тегишли жазо берилган, лекин уни келгуси ҳаёти қандай бўлади. Уни кўрганда синфдош дўстлари, қолаверса маҳалла-кўй нима дейди, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Биз, ўқувчилар бундайлардан нафратланамиз, уларнинг орамизда бўлишига асло йўл қўймаймиз.

Замира ШОКИРОВА,  
Фарғона область,  
Ўзбекистон районидаги 35-мактаб ўқувчиси.

# ЭСТРАДА МУЗИКАСИ НИМА?

Журналимизнинг «Эстрада мухлисларига» рубрикаси остида берилаётган мақола ва материалларга келатган хатлар оқимини кузатиб ўтириб хаёлимизда қайта-қайта бир савол ўралашади: «Замонавий эстрада музикаси нима?»

Оддий мухлис сифатида поп музика, рок музика ва ҳоказо музикага оид матбуот материалларини махсус кузатиб бораман, саволга жавоб топгандек бўламан: «Замонавий музика ўткинчи музика дегани эмасмикан?»

«Ўткинчи» деганимнинг боиси бор. Ўтган йили «Еш куч»да машҳур «Модерн Токинг» группаси ҳақида мақола берилгач, журналхонлардан 1,5 мингга яқин хат олди. Хат ёзувчиларнинг учдан бир қисми яна шу эстрада юлдузлари ҳақида ёзишимизни сўрашибди. Бу орада эса... «Модерн Токинг» юлдузи сўна бораётгани ҳақида овозлар қулоққа чалина бошлади. Эҳтимол, бундай овозлар асосида, лекин бугун бўлмаса эртага ўша инқироз юз бериши муқаррар. Буни Дитер Боленнинг «Қўшиқларимиз бир марта ижро этишга яради. Уларни нари борса бошқасидан жиндек яхшироқ бўлган кир порошогига қиёслаш мумкин»,— деган сўзлари ҳам башорат қилиб турибди-ку!

Бундан чиқди, ўта замонавий эстрада енгиллиги, шунчаки вақтихушлик учун мўлжалланган санъат экан-да. Ешларнинг севимли журнал «Техника — молодежи»да шу фикрнинг

янада асосли тасдиғини учратиш қолдим. Келинг, уни бирга ўқийлик:

«Инглиз тилида «рок» сўзи «тебраниш» маъносини англатади. Сўзма-сўз ўғирганда «тебраниш ва чирпирак бўлиш» деган мазмун келиб чиқадиган «рок-н-ролл» атамаси ҳам ибтидон «рок»дан олган. Америкада нашр этилган жаргон сўзлар луғатида «рок» сўзи бошқача «қимирлаш», «силжиш», бир сўз билан айтганда пича ақдан озиш маъноларини англатади. Қолаверса, рок-тош, тоғ жинси. Тоғдан думалаб тушаётган тош. Шовқин, тезлик дегани. Инглизлар автомобиль двигателни рокер дейишади.

Хуллас, бу атамалар 60-йилларнинг охирида, Ғарбда шиддатли тезлик ва телбаларча таваккал қилиб мотоцикл ҳайдовчи ёшлар пайдо бўлган кезларда муомалга кирган.

Эътибор қиялсизми, ўта замонавий эстрада музикалари асосида тоғ кўчкисини эслатувчи шовқин-сурон ётар экан. Демак, ёшларимиз ялпизига ана шу шовқин-сурон, тебраниш ва чирпирак бўлиб айланишдан лаззат топишга одатланмоқдалар деган хулосага келсак-да, хотиржамликка берилсак бўладими?

Мен Ғарб музикасини, ниҳоятда ўзига хос эстрада ансамблларини кўр-кўрона рад этишдан йироқман. Санъатдаги ҳар қандай ҳодиса воқеликнинг маълум бир инъикосидир. Мен кўр-кўрона, англаб-англамай ихлос қўйишнинг ва ўткинчи ҳисларга алданиб қолишнинг хавфли эканлигини эслатмоқчиман, холос.



## Хатлар ва ўйлар

Бир мактаб ўқувчиси «Модерн Токинг» ижросида қўшиқ кўрсатмасанглар мактабга боришдан бош тортаман» деб телевидениега хат ёзибди. Ленинск шаҳрида яшовчи Ойбек Аҳмедов шу группа фаолиятдан ҳикоя қилувчи мақолани редакциямизга жўнатибди.

Бундай астойдил ихлос эгаларини табрикламоқ, қўллаб-қувватламоқ керак. Айни вақтда хатлар орасида инсониятнинг мангу ҳамроҳи бўлиб қолажак классик халқ музикаси ихлосмандларининг дил сўзлари учрайдики, булар киши кўнгилни мунаввар этади. Тошкент область Калинин районида Жўра Мусаев Абу Наср Форбийнинг «Музика ҳақида катта китоб» номли кўп жилдли асар яратганини, Шарқ музикасининг ритмик асосини шарҳлаб берганини фахрланиб ёзибди.

Дарвоқе, ўта замонавий эстрада оҳанглари хусусида сўз борар экан, бу борада классик ва халқ тароналарини эстрада куйларига эш қилиб юбориш катта ютуқлар олиб келатганини унутмаслик керак. Чунки, машҳур итальян хонандаси Тото Кутуньо итальян халқ қўшиқлари анъаналарини эстрада йўсинига солаётган бўлса, АҚШдаги «Металлика» рок группаси асримиз ёшлари орасида кенг тарқалган гиеҳвандликка қарши махсус программадан асосида қўшиқлар куйлаб эстрадани муайян мақсадга йўналтироқда. Англияда миллий халқ музикалари байрамини ўтказиш анъанага айланмоқда. Қолаверса, ўзимизнинг «Ялла»нинг муваффақияти ҳам ўзбек халқ қўшиқ-лапарларига бориб тақалади.

«Вақтни ўз измига бўйсундира олиш борасида ҳеч бир музика маданияти ҳинд музикасига тенг кела олмайди. Африка оҳанглари ҳинд оҳанглигига ўхшамайди, лекин улар ҳам ўз ҳолича юксак санъатдир. Назаримда, Ғарб музикаси бу икки музика маданиятига нисбатан менга ғалатироқ ва ибтидоийроқ туюлади», деб ёзган эди машҳур грек композитори ва мутахассиси Янис Ксенакис.

... Музика — товушларга муҳрланган ҳаёт манзараларидир. Бу манзаранинг қай хилларидан баҳра олиш ҳар кимнинг дидига, ихтиёрига боғлиқ. Лекин хоҳ рок музика бўлсин, хоҳ классик музика бўлсин, унинг моҳиятини чуқур тушуноққундан тўла-тўқис баҳраманд бўлиши таъминлайди. Зотан, кишилар музика билимдони бўлиб туғилмайдилар, балки уни аста-секин ўргана борадилар. Музикага муҳаббат қўйдингизми, уни тинглай олиш бахтига муясар бўлдингизми у сизга олий туйғулар, хузурбахш эҳтирослар ҳада этаверади — инсоний камолотга эришаверасиз.

Суҳбатдош  
Ёш куч 9

# ҲИСЛАРГА ҚАЛБИМНИ ҚЎШИБ ЁЗАМЭН



Уй-музей ҳовлига киришиги билан мезбоннинг тошдан йўнirilган ўйчан қиёфасига кўзингиз тушади.

**Т**ошкентдаги «Ишчилар шаҳарчаси» бўйлаб «Уста Ширин» кўчаси томон чиқверишда «Тазетдинов» номли кўча босиб ўтилади. Бундан аввалроқ «2 линия Кисловодская» деб юритилган ана шу кўчадаги 26-уйда 1940 йилдан то 1968 йил— умрининг сўнгига қадар Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек яшаб ижод этган. Унча катта бўлмаган, дов-дарахт ва атир гуллар бор саҳнини эгаллаган шинамгина ҳовлида икки бино қад кўтарган.

Дарвозадан кираверишда қаршидаги икки қаватли бино 1957 йилда қурилган бўлиб, бу бинода адибнинг турмуш шароити — хобхона, меҳмонхона, кутубхона ва ижодхонаси тикланган мемориал хоналар жойлашгандир.

Дарвозага қамти, деразалари кўчага қараган бир қаватли бино эса 1939 йилда қурилган бўлиб, кейинчалик Ойбек уй-музейи ташкил этиш ҳақидаги қарорга биноан қайта таъмирланган. Ана шу бинонинг тўртта хонасида Ойбек ҳаёти ва ижодини тўла акс эттирувчи адабий монографик экспозиция жойлаштирилган ҳамда

адибнинг 1940 йилдан то 1957 йил, яъни икки қаватли бинога кўчиб ўтгунига қадар бўлган мўъжазгина ижодхонаси тикланган. Биз бу мухтасар баёнимизда ана шу бино хоналари бўйлаб юриб, уларда намойиш этилган етти юзга яқин экспонатлар — Ойбекнинг табаррук нафаси ва забардаст қўллари теккан ашёлардан фақат айримлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Зеро музей ҳисобида адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносирова томонидан ярим асрдан зиёдроқ давр мобайнида авайлаб сақланган ҳамда музей ходимлари тўплаган ўн бир мингга яқин қимматли экспонатлар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида тарих, айрича бир ҳаяжон.

Адабиёт музейларининг тўрида ҳаммаша СЎЗ туради. Ойбек уй-музейи экспозициясида ёритилган ҳар бир мавзу ҳам адибнинг ўз сўзлари билан бошланади. Томошабин гўё ўзини ёзувчи хонадонидан меҳмондай ва мезбон Ойбек ўз ҳаёти, адабий ўйлари билан ўртоқлашаётгандек ҳис этади.

Музей хоналарининг аввали Ойбекнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида ҳикоя қилади. «Мен тошкентликман» — дея фахр билан ўз таржимани холини бошлаган эди Ойбек. Деворда XX аср бошлари эски Тошкентнинг «эгри-бугри, пасткам, лой томли» кўчалари, қадим мақбара ва мадрасалари, Дадақўзи ўғли Тошмуҳаммад аканинг тўкилай деб турган чоққина ҳовлиси акс этган фотосуратлар. Девордаги фотосуратлар нигоҳларни қуйироқдаги сирти ойна билан қопланган қутиларга йўналтиради. Ойна остида узоқ ўтмишлардан садо бериб китоблар жонланади. Навоий, Ҳофиз, Фузулий, Сўфи Оллоёр... Ҳарфлари санъаткорона терилган араб ёзувчиларининг ўзи бир олам сеҳр. Эски мактаб таҳсили йиллари шу ёзувлардаги тилсимни кашф этганда Мусо табиат сеҳридан туйган илк ёзувлардаги ҳаяжонини бадиий тафаккур заковоти туйғайли яна такрор-такрор ҳис қилган бўлса, ажаб эмас. «Навоий менда пок севги яратади. Унинг шеъриятини завқ билан, чуқур ҳис билан ўқийман. Пок муҳаббатни, чуқур маънони ёқимли ҳисни илк дафъа Навоийдан ўрганаман». «Фузулийнинг шеърларини севаман. Шеърлари нафис. Узим гул ва маҳбуб ҳақидаги шеърларини биламан. Севаман Фузулийни!» Бу севги Ойбекни бир умр тарк этмади. Уни қўлига қалам олишга чорлаган хилқат ҳам шеъриятга бўлган ўша чуқур муҳаббат эди.

Олтмиш йилдан зиёдроқ давр мобайнида фақат бир нускадагина тайёрланганидан «Тонг юлдузи» деворий газетасининг сақланиши фавқуллоҳда бир мўъжиза. Афсуски, ҳозирча мўъжиза рўй бергани йўқ. Бироқ Ойбекнинг илк шеъри босилган «Армуғон» журналининг айнан шу 1922 йил апрель сони ўша йиллардаги маданиятимизнинг жонкуяр арбобларидан бири Ғози Юнуснинг ҳозирда соғ-саломат фарзанди Тўлқин Ғозиев қўлида сақланмоқда. Девордаги ўн тўққиз ёшли, кўзлари ёниб турган ўктам йигитча Ойбекнинг биринчи фото сурати ҳам техникумдаги ўқув йилларига тўғри келади.

Шу хонада яна Ойбекнинг техникум даври шеърларидан жамлашиб 1926 йилда араб алифбосида чоп этилган «Туйғулар» номли биринчи шеърлар тўплами ҳам намойиш этилган. Бун-

дан кейинги йиллар Ойбек ҳаётида илм уммонидан баҳрамандлик йиллари. Аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод факультети, кейин Ленинград халқ хўжалик институти ва яна Ўрта Осиё университети, талабалик ва муаллимлик фаолияти. Деворларда ана шу йилларга шаҳодат бўлгучи студентлик гувоҳномаси, Ленин йўланмаси билан келган педагог олимларнинг табаррук дастхатлари битилган синов баҳолари дафтарчаси, китоблар, Ленинград халқ хўжалик институтида тугилган қайдлар дафтари ва ҳатто шу институт справкасига қадар бағоят мўътабар ҳужжатлар намойиш этилган.

Ленинградда маданий-адабий ҳаётни бевосита кузатган Ойбек Блок, Брюсов, Уитмен, Верхарн каби ўз руҳига яқин шоирлар ижодини ўрганади. Улардан маънавий озиқ олади. Шундан сўнг бирин-кетин «Кўнгилай найлари», «Машъала» шеърӣ тўпламларини, «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Дилбар давр қизи», «Гулсум», «Уч» каби қатор дostonларини ёзиб эълон қилади. Экспозицияда ана шу китоблар қўршовида мўъжазгина, аммо жуда қимматли бир ҳужжат турибди. Бу ҳужжат 1934 йилда шахсан М. Горький имзолаган Ойбекнинг Ёзувчилар Союзига аъзолик гувоҳномаси.

Иккинчи хонага ўтар экансиз, кўрғазмадаги ўртада ажралиб турган қирмизи китоб ҳаёлларингизни гўзал Чимёнга етаклайди. Хотирағизга эса беихтиёр «Наъматак» ва яна қатор «Чимён туркуми» шеърлари қуйилиб келади. Ойбекнинг мумтоз шеърларини ёдга солган китоб Чимёнда илк бор ўзбек тилида жаранлаган Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърӣ романининг Ойбек таржимасидаги биринчи наشري. Ойбек замондошларининг хотирлашича таржима муҳокамасида мунаққид Отажон Ҳошим Евгений Онегиннинг ажойиб таржимаси учун Пушкин қаторида Ойбекка ҳам ҳайкал ўрнатишни таклиф этган экан.

Рус ҳаётининг кенг қатламларини қамраб олган шеърӣ роман таржимаси Ойбекнинг кўпдан бери ҳаёлларини банд этиб юрган йирик эпик асар «Қутлуг қон» романига киришуви учун журъат бағишлайди. Кўрғазмада романининг 1941 йилда лотин алифбосида чиққан илк наشري ва таржималари...

Ойбек ҳақида ўйлаганда киши кўз олдида ҳаммаша йиллар захматларидан озурда, олам ташвишларидан қадди бир оз дол, кўзлари гоҳо буюк шайқат ва ҳамдардлик, гоҳо эса сўнгсиз ҳайрат билан боқувчи, улугвор, дев келбат инсон қиёфаси келаверади. Унинг адабиётимиздаги ўрни ҳам улугвор. Шеър, наср, таржималар, илм...

Ҳазрат Навоий ҳақида ёзиш, унинг туйғулари дунёсига, асрларни мунаввар этган тафаккур оламига кириш учун чоғланган ижодкорнинг аввало, ўзи, сўнгра эса айтар сўзи баркамол бўлмоғи лозим эди. Уша мураккаб йиллар адабиётимизда бу матлуб вазифани фақатгина Ойбек бажариши мумкин эди. Ва у табиатнинг ўзи Ойбек шахсиятига муқаррар этган бурчни шараф билан адо этди. Музейда «Навоий» романининг титилиб кетган бир нусхаси сақланади. Бу китобни музейга машъум йилларда ўз она-юртидан, она тилидан жудо, узоқ совуқ ўлкаларда адолатсиз хўрликлардан изтироб чеккан бир кекса



Ойбек замондош зиёлилар даврасида.

# ОЙБЕКНОМА ҚАТРАЛАРИ

**О**йбек... Бу ажойиб адиб ҳақида қанчадан-қанча китоб ва мақолалар ёзилган. Аммо унинг ўзига хос беназир бадиий олами ҳамон биз учун сир. У ҳақда ёзилган асарлар шунинг учун ҳам денгиздан олинган томчиларга ўхшаш.

Қуйида ҳурматли журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган лавҳаларни шунинг учун ҳам «Ойбекнома қатралари» деб атадик...

## Танбур ва палитур

**Л**ирик шеъриятни шоир қалбининг автобиографиси, деб атайдилар. Бу таъбирда жон бор, албатта. Винобарин, лирик шеърият намуналарида қандай образ ё предмет тасвирланган бўлмасин, у шоир қалбига оқиб кирган ва шу қалб торларини чертган реал ҳаётини ҳодисаларга бориб тақалади. Ойбекнинг лирик шеърларини ўқир эканмиз, уларда турли образлар, таниш ва нотаниш тимсоллар барқ уриб турганини кўрамиз. Бу образ ва тимсолларнинг бир қисми китобхонлар, ҳатто мутахассислар учун ҳам олис юлдузларнинг шуълалари каби туманли бўлиши мумкин. Зеро, лирик шеърият муаллиф кечинмаларини, уларга туртки берган ҳаёт ҳодисаларини ҳам ишра ҳам ошқора ифодалаш имконини беравермайди.

Ойбек ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган асарлар орасида атиги уч байтдан иборат лирик шеър ҳам мавжуд. Бу шеърни ўқиган китобхон ундаги поэтик деталлар моҳиятини теран англай билмаслиги, шунинг учун ҳам бу шеърда мужасамланган шоир таржимаи ҳолининг кичик бир лавҳасини кўз олдига келтирмаслиги, ҳатто унда тасвир этилган манзаранда Ойбек шахсига алоқадор ҳолатни кўрмаслиги мумкин:

Мана ўша шеър:

*Игӊаб ўрдим тагин эшигиндан, ёр,  
Бир кўрмакка, рассом қиз, эдим интизор.  
Утирибсеми танхо, тугиб палитур,  
Балки нихонли бармоқ сайратур танбур...  
Маҳаллангда оёқлар гентирав қолди,  
Қовжираб дилда ишқим армони қолди.*

Чиндан ҳам 1965 йилда ёзилган бу шеърдаги муҳаббат можаролари тасвири лирик шеърият учун анъанавий ҳисобланган ва баъзан шоир ҳаётини фактларига алоқасиз бўлган воқеликдан ранг олган бўлиши мумкин. Лекин рассом қиз образи, палитур ва танбур деталлари бу шеърнинг Ойбек ҳаёти саҳифаларидан қалқиб чиққанини тасдиқлаб туради.

1965 йилда, олтимиш ёшга тўлиши арафасида Ойбек ўз ҳаёт йўлига шоир сифатида назар ташлайди, бу машаққатли ва нурли йўлнинг айрим нуқталарини қаламга олади. Унинг кўз ўнгидида жонланган ўтмиш лавҳалари орасида шоир тақдирида катта роль ўйнаган Зарифа Саидносирова сиймоси айрича жилолар билан товланади.

Ойбекнинг Зарифа опага бўлган муҳаббати тарихи унинг кўплаб шеърларида ўз ифодасини топган. Бу муҳаббат ғунчалари шоирнинг ёшлиқ йилларига оид шеърларидагина эмас, кексалик чоғларида ёзилган асарларида ҳам чаман бўлиб очилиб туради. Бу сўнмас меҳрининг боиси нафақат Ойбекнинг инсоний улуғлигида, балки Зарифа опанинг маънавий бойлигида ҳам эди. Шоир кўнглини забт этган аёл юксак дидли, зукко, маданиятли, санъат ва адабиётни бошқа тенгдошларига нисбатан теран ҳис этувчи киши бўлган. Кейинчалик биринчи ўзбек кимёгар олимаси, Ойбек меросининг билимдон тарғиботчиси ва тадқиқотчиси бўлган бу аёл маърифатпарвар отасининг ташаббуси билан тасвирий санъат ва музика бўйича сабоқлар олган. У гарчанд ўзида орғиқча мусиқий қобилият сезмаган бўлса-да, танбур чалишни ўрганган. Тасвирий санъат бобида эса анчагина сезиларли ютуқларга эришган.

1921 йилда Тошкентда И. С. Казаков студияси ташкил этилган эди. Орадан бирмунча фурсат ўтгач, А. Н. Волков, ундан ҳийла кейин — 1924 йилда эса Н. В. Розанов бошчилигидаги студия ўз фаолиятини бошлади. Зарифа Саидносирова шу сўнгги студияга қатнаб, Урол Тансиқбоев,

ҳамюртимиз келтириб топширган. Унинг ҳикоя қилишича, қамоқхонага яширин олиб кирилган «Навий» романи маҳбусларнинг кўзга тўтиё қилгулик азиз сирдошлари, ота-она, юрт-тил муждаси, муқаддас китоблари бўлган. Китоб ўқишни тақийқ этган шафқатсиз нозир тинтувларидан қўрқиб, маҳбуслар китобни варақларга ажратиб сақлар эканлар. Кечаси эса оғир, машаққатли жисмоний меҳнатдан сўнг озгинагина ҳордиқ ўрнига китоб саҳифаларини тартиблаштириб, мутолаага берилар эканлар. Кўзда ёш, дилда сўнгсиз изтироб билан такрор ва такрор ўқир эканлар. Роман уларга темир ирода, метин сабот ва ёруғ кунларга ишонч бағишлар экан. Орадан қирқ йил ўтгач, ана шу китоб ҳаёт бағишлаган кимса музейга келиб ўша йиллар хотираси бурчли этган ниятини амалга оширди.

Учинчи хонада адабнинг 50—60 йиллар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўрғазмалар қаторида томошабин руҳига титроқ соладиган яна бир ҳужжат бор. Бу ҳужжат 1951 йилга тааллуқли бўлиб, унда 47 ёшли навоқирон Ойбекнинг оғир дардга чалинганлиги ҳақидаги касаллик тарихи баён этилган. Шу бир парчагина қоғозда ёзиш, юрт кезишдек Ойбек учун тириклик тиргаги мезони бўлган неъмат, салоҳият йўқотилганлиги ҳақидаги машғум хабар ёзилган.

*Хаста мен... фикрга, туйғуга тўлиб —  
Ой менга ҳамқадам — сокин юра мен,  
Соғайсам бир кун ёзаман тўйиб,  
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзаман.*

*Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,  
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.  
Ҳаёллар учди машғалдай ёниб,  
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам...*

Айни чоғда ўша хабар давоматидан келадиган 17 йиллик ҳаёт тафсилоти, юқорида қайд этилган фаолият, ижод, изланиш ғўё тирикликка олиёй касидадек, маҳзун туйғуларни тарқатиб юборади. Девордаги суратларда рафиқаси Зарифахонимга айтиб ёздиратган Ойбек гавдаланади. Товушлар жарангидан маҳрум, лаблар ҳаракатидан, сокин шивиридан англаниб, Зарифахоним қўли билан қоғозга тушаётган сатрлар яна даста-даста китоблар бўлиб, Ойбек муҳлислари қўлига етди. Бу китоблар Ойбекнинг «шунча тош ёғилиб, ҳеч ёрилмаган боши» омонлигидан интиқ мужда эди.

Кейинги, тўртинчи хона Ойбекнинг вафотидан дарак берувчи машғум хабар билан бошланади. Ададсиз қайғу шоирлар дилига марсия сатрларини, мусаввиру санъаткорларга эса Ойбек тимсолини, асарларини рангларда ва саҳналарда жонлантириш иштиёқини солди. Олимлар Ойбек шахси ва ижоди улуғворлигини энди бор салобати билан чуқурроқ англай бошладилар. Аммо Ойбек хотирасига ҳаммадан улуғворроқ ҳайкални халқ тиклади. Халқ унинг бетакрор асарларини дилига жо этди. Унинг маънавий тириклигини фарзандлари — авлодлари қалбига солди. Ойбек китоблари ҳар бир ўзбекнинг ҳаётини дастурига айланди. Дилдан тилига, қуйу-қўшиқларига тушди.

Шухрат РИЗАЕВ,  
Ойбек уй-музейининг илмий ходими.



Мангу соғинч яшайди бу ғўшада...



Адиб рафиқаси мўқаламига мансуб мақбара тасвири.

Акрам Тошканбоевлар билан бирга тасвирий санъат сирларини ўрганди. Унинг устози Н. В. Розанов (1869—1940) машҳур рус рассоми И. Е. Репиннинг шоғирди бўлиб, у З. Саидносирова сиймосида биринчи ўзбек рассом қизини тарбиялаб етиштиришга ҳаракат қилган. Натижада ёш ўзбек рассоми 20-йиллардаёқ ўз асарлари билан шуҳрат қозона бошлаган.

Ойбек Зарифа Саидносирова билан танишган йилларда у чиндан ҳам «рассом қиз» эди. Кўплар қатори шоир ҳам унинг истиқболини тасвирий санъат оламида кўрар эдилар.

Рассом қиз образи Ойбекнинг бошқа асарларида ҳам учрайди. Хусусан, 1929 йилда ёзилган «Ошхона» шеърда шоир Гавкуш маҳалласида жойлашган уйини, аниқроғи, шу уйдаги ошхонасини тасвирлаб, ёзган эди:

*Зарифам аслингни чизмоқчи,  
Эй фақир, буришиқ ошхона!..*

Ойбек биз юқорида тилга олган шеърда ўз ёрининг ўша йилларга оид портретига баъзи бир чизгиларни берган. Бу шеърдаги танбур ва палитур сўзлари З. Саидносированинг руҳий оламиди очувчи восита вазифасини ўтайди. Дарвоқе, палитур палитра (итальянча palette) сўзининг ўзбекчалашган шакли бўлиб, рассомларнинг иш қуроли — бўёқдонини англатади. Одатда рассомлар расм солишдан аввал маҳсул тахтачада бўёқларни суюлтириб, аралаштириб ва зарур ранг колоритини пайдо қиладилар. Ана шу тахтача — палитра, Ойбек ифодаси билан айтсак, палитур рассомлик санъатининг тимсоли даражасига кўтарилган.

Шундай қилиб, танбур ва палитур образлари ушбу шеърнинг шоир рафиқасига бағишланганидан қафолат бериб турадилар.

## Мадрасага айланган мақбара

**З**арифа Саидносирова 1925 йилнинг ёзги таътил кезларида Туркистонга — болалик чоғлари кечган қадрдон манзилга борган. Бу саёҳат бўлажак рассом учун оддий сайр эмас, балки ижодий сафар бўлиши лозим эди. Студия муаллимлари ҳар бир талабага ёзги таътилдэн бир неча оригинал расмлар билан қайтишни буюрган эдилар. Шунинг учун ҳам Зарифа опа Туркистондаги архитектура обидаларининг мойли тасвирини яратишга аҳд қилиб, дастлаб Иқон кўчасида жойлашган қабристондаги кичик бир мақбаранинг расмини чизди. Сўнг машҳур Аҳмад Ясавий мақбарасининг тўрт қарама-қарши нуқтадан кўринишини акс эттирди. Шулардан бири —

мақбаранинг ён томондан кўриниши тасвир этилган расм ҳозир ҳам сақланиб келади.

Зарифа Саидносирова бу расмларни студияга таътил пайтидан ижодий ҳисобот сифатида олиб келганида, Н. В. Розанов мақбаранинг ён кўриниши муҳрланган матони кўрсатиб, «Неча кунда ишладинг?» деб сўраган экан. Унинг фикрича, бундай расм устида камида 10—15 кун ишлаши керак экан рассом. Аммо Зарифа опа ушбу расмни уч сеансда, икки соатдан вақт ажратиб чизган эди, холос. Шунга қарамай, бу расм кўпчилиكنинг ҳурмат-этиборини қозонган.

Авалло, у ўша йиллардаёқ Саидносир Миржалиловнинг — маориф ва маданиятга катта ихлос қўйган отанинг — нозиктаб жўралари ва меҳмонлари ўртасида машҳур бўлди. Улардан бири — атоқли ўзбек шоири Чўлпон ҳатто расм муаллифи — ўн олти ёшли рассом қизга бағишлаб шеър ёзди. Асар рассомлар доирасида ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. У Зарифа Саидносировага «биринчи ўзбек рассом қизи» деган шарафли унвонни бағишлади. 30-йилларнинг ўрталарида бўлиб ўтган Ўзбекистон рассомлар асарларининг кўргазмасида намойиш этилди. Ушбу кўргазмага иттифоқо ташриф буюрган бир немис сайёҳи эса бу расмни ҳатто харид қилмоқчи ҳам бўлган. Бироқ қизнинг отаси бунга розилик бермаган. Кўргазма туагач, расм яна ўз жойига қайтиб, Миржалиловлар оиласида улар турилган қадимий ўзбек шаҳридан бирдан-бир рангин ва гўзал хотира бўлиб қолган.

Аҳмад Ясавий мақбараси Амир Темур буйруғи билан бунёд этилган теурийлар даври архитектурасининг ноёб ёдгорлигидир. XIV аср охири ва XV аср бошларига оид бу маҳабатли мақбара теурийлар давлатининг қудратини намойиш этиши лозим эди. Аммо у тарих ва халқ наздида теурийлар даврида юксакликка эришган маданиятнинг улугвор бир тимсоли бўлиб қолди.

Бу мақбара тасвирланган расм узоқ йиллар мобайнида Зарифа Саидносирова ва Ойбек хонадонларида XV аср руҳини — Навоий яшаган давр нафасини уфуриб турди. Ойбек бу расм орқали теурийлар даври меъморлик санъатини ўрганди. Унинг ҳаёлида гавдалана бошлаган Ҳирот манзаралари ана шу расмдан илк манбаларини олди.

Адибнинг «Навоий» романи қуйидаги тасвир билан бошланади:

«Баҳор кўёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршод мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чакнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди».

Гавҳаршод мадрасасининг роман саҳифаларида сочиб ташланган «ғишт»ларини терар экансиз, улар ўша мақбарага алоқадор эканлигини сезмай иложингиз йўқ. Зероки, адиб Ҳирот тасвирини чизишда фақат тарихий манбаларгагина суяниб қололмас эди. Тўғри, Ойбекнинг Самарқанд билан, бу кўҳна пойтахтдаги обидалар билан танишиши унинг Ҳиротни ҳис этишига катта ёрдам берган. Аммо адибнинг Ҳиротнинг маҳабатли ишшоотлари ҳақидаги тасавури унинг ушбу мақбара тасвири билан кундалик учрашувлари негизида бойиб, аниқлик ва ёрқинлик касб этди.

Наим КАРИМОВ,  
Беруний мукофотининг лауреати,  
филология фаилари кандидати.



Лангар — табиат мўъжизаларини, тарихий обидаларни шафқат билан бағрига босиб, асрлар оғушидан, суронли йиллар силсиласидан эсон-омон олиб ўтаётган мафтункор тоғ қишлоғи. Қишлоқнинг кун ботиш томонида самога санчилгандай ҳисор чўққиси, унинг этагида Қўчқортош қояси. Қоя бетиде икки росмана одам бўйламайдиган баландликка боши узра таёқ кўтариб қўй-эчкилар сурувини бўридан ҳимоя қилаётган норгул чўпон суврати. Чўпон юзидаги қаҳру ғазаб ифодасини кўриб имкони бўлмасида, сураткаш ўзининг метин чўкичи билан юрагини тункун безовта қилган тизгинсиз хаёлларини тошга ўйиб кетгани сир эмас. Балки сураткашликда Монийга устозлик қилган бу тасвир соҳиби ўз элининг фидойиси широксимон баҳодир қиёфасини шу тарихи мажозий маънода акс эттиришни маъқул кўргандир.

Ўсмирлиги урушнинг хўрсиниқли кунларига тўғри келган юртдошим Ўсар шоир қўшиқларини тинглаб ўтириб, беихтиёр ўша Қўчқортошдаги суврат ёдимга келади. Ўсар бахши тўлиб-тошиб қуйламоқда:

*Менам асли шер йигитдай боридим,  
Ғаним кўрсам оч бўридай доридим.  
Душманларга қиймат кун соб эдим  
Булут чайнаб қор пуркаган кунларим.*

Воҳ-воҳ, тасвирни кўринг!.. Аёзли кунларда этакдан қарасангиз Лангар дараларига абадий қоровулдай қаққайиб турган Шовуз чўққилари пасту баланд қилиб тезланган улкан арра тишларидай кўрилади. Тишли чўққиларда яхламоқчи бўлган булутлар шиддат билан уриладую парча-парча бўлиб кетади. Гўё чўққилар булутларни ўткир тишлари билан чайнаб-чайнаб ташлайди-ю тегирмон тошлари орасидан ўт пуркалгандек уюм-уюм қилиб қор пуркай бошлайди.

Булут чайнаб қор пуркаган кунларим...

Ҳақиқий бахши ўз элининг ўтмиши-ю бугуни, келажакига ҳам куюнчак. Ушшоқ бўлмай бахши шоир бўлиш йўқ. Ўсар шоир Қашқадарёнинг ана шундай ошиқларидан бири.

## ТОҒЛИ ЛАНГАР ДЕГАН ОНА ЮРТИМ БОР

### Достончилигимизни ўрганамиз

Деҳқонободлик кекса бир бахши шундай деган эди: «Табиат бахшининг юраги билан тилига беради. Юрагидан дўмбиранинг қуйлари қуйилиб тушса, тилидан қуйга жўр бўлиб қўшиқ тўкилади». Қизиқ савол туғилади: Бахшилар аввал қўшиқ айтишни ўрганадими ёки дўмбира чертишними? Дўмбира чертишни ўрганган киши қўшиқ айтмай чидаб туролмайди, — дейди Ўсар шоир. — Айтганда ҳам оддий пардаларда эмас, балки жудаям авж пардада «хуй-хуйлаб, ийқ-ийқлаб айтади».

Одатда хуй тортишни ўрганган шоир дўмбирасини мақтай бошлайди: Ўсар бахши эса дўмбирасини шундай алқайди:

*Дастанг зардолдан, карсонинг арча,  
Куйласанг куйингга маҳлиё барча  
Сени куйлаб ўтай умрим борича,  
Юрагимга қувват берган дўмбирам.*

*Мен сени жойлайин сур бахмал қопга  
Таърифинг сизмайди катта китобга.  
Чертиб борсам дейман сени Масқопга  
Орзума қўш қанот бўлган дўмбирам.*

Созни мақташ анъанаси Шарқнинг классик шоирларидан мерос. Улар ҳам ўзларининг йирик асарлари муқаддимасида қалам мақтовига, қаҳрамонлар мадҳига алоҳида эътибор беришган. Дўмбира мақтовидан кейин эса достон бошланади. Ўсар шоир айтадиган достонларнинг кўпчилиги 110 йиллиги нишонланган қайнарлик Абдулла шоир анъаналари асосида қуйланади. Ўзе-

кистон халқ достончиси Абдулла шоир эса ватанпарварлик ва ишқий достонларнинг моҳир ижроқчиси эди. Ўсар бахши устоз издан бориб, унинг ижрочилиқ маҳоратини эгаллаган. Унинг гоҳ ҳазин, жўшқин, гоҳ тошқин куй-ғазаллари, усуллари орасида булут чайнаб қор пуркаган Гўрўғлини ҳам, душман қўлига банди бўлиб юрти ва биродарларини соғиниб дард чекаётган Нуралини ҳам, ҳамма вақт иши ўнгидан келадиган назаркарда Авазонни ҳам, ботирлигидан зиндонда ётган Алпомошни ҳам, ҳеч бир таърифга сизмайдиган севги соҳиби Барчинонинг ҳам овозини эшитиш мумкин. Эшитишгана эмас, рангли кўп серияли фильм томоша қилгандай тунни тонгга улаб томоша қилиш мумкин. Ўсар бахши анъанавий достончи бадиҳагўйгина эмас, импровизатор, яъни ўзи ижод қилиб айтадиган бахши сифатида танилиб бормоқда. Бу йўналишда ҳам у ўзининг сеvimли мавзусига содиқ қолади. Қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб қилган саёҳати махсули сифатида яратилган «Сафарнома» достонида бутун қишлоқни сув билан таъминлайдиган булоқ очиб, кўнгилли бўлиб фронтга кетган Бошмон ҳақидаги достонида, «Совет лочинлари», «Ленин», «Қарши қўли деманглар», «Устоз Абдулла шоирга» термаларида Ватанни севиш, унинг ор-номуси, эрку-иро-



даси учун кураш, бахту камолдан фахр ва гурурланиш туйғулари қизил ип бўлиб ўтади. Бахши ана шу қизил ипнинг бир учини ганимларга қарши булут чайнаб қор пуркаган халоскор Гўрўғлига мантиқан боғлайди. Бир учини эса Қоражон ва Алпомошни болаган дўстлик ипларига олиб бориб улайди. Улайдигана эмас, юксак инсоний туйғулардан гулдаста ясаёди ва одамларга тутуди. У одамлар орасида юриб, халқ тилини ўрганиб, халқ дилига қулоқ солиб, уларнинг ботиний кечинмаларини, меҳнатда муваффақиятларини нозик пардаларда қуйлашга интилмоқда. Бахшилар конкурсда фахрли ўринлару, телевизор экранидаги чиқишлар Ўсар бахши ижоди ҳақида тўла тасаввур бермайди. У бугунги кунда қуруқ мадҳиябозликдан қочиб қуйма сатрлар яратиш учун бетиним изланмоқда.

Ўсар бахши юртдош боболари қоя тошларга қизиб кетган умри боқий суратлардек кўз кўрса дилда ширин энтиқишдай ҳиссиётлар уйғотадиган суратлар чизмоқчи. Мавзу эса бахши боболари руҳидан ўтган «омон бўлса йигитнинг ҳеч вақт ранги сомон бўлмайди»-ган она юрт севгиси.

*Ўсар Эрка деган отим бор,  
Тоғли Лангар деган она юртим бор.  
Даврим замонима эғтиқодим бор,  
Гул ҳаётдан тинмай қуйлар дўмбирам.*

Ғози РАҲМОН,  
Қашқадарё область, Чироқчи районидеги  
Навоий номли 10-мактаб ўқитувчиси.

# МЕНГА

Х аётда сиз мантиқ илмига бот-бот мурожаат қиласизми? «Мактабларда ўтмаганмиз, бу қандай фан бўлди ўзи» дейсизми? Тўғри, бу фанни аллақачон кераксиз деб ўқув жараёнидан чиқариб ташлашган. Нима учун?

Яқинда республикаимиз кинотеатрларида «Эртага уруш бўлди» («Завтра была война») деб номланган фильм намойиш қилинди. Борис Васильевнинг шу номли қиссаси асосида суратга олинган бу фильмда бир эпизод бор.

Қиз онаси билан суҳбатлашаётиб шундай дейди:

— Назаримда, бизни мактабда ҳеч баҳс қилишга ўргатишмайди-я...

— Дўстлар билан баҳслашиш керак эмас! Душманлар билан ҳам баҳслашиб ўтирмай, уришиш керак, — дейди она қизига буйруқ оҳангида.

Ҳа, бундай буйруқларга ўша даврларда эътироз билдирилмасди: баҳслашмаслик керак, мулоҳаза юритмаслик керак, буйруқни бажариш шарт!

Бироқ, ҳаётнинг ўзи қаҳрамоннинг бу фикрлари нотўғри эканини исботлади. Тажриба шуни кўрсатдики, у ёки бу фанни кераксиз деб чикитга чиқариш кейинги авлодга айниқса қимматга тушади.

Мана унинг оқибатлари:

Ўқувчиларнинг аксарият қисми фикрлаш, мустақил мушоҳада юритиш қобилиятдан маҳрум. Шунинг учун улар ёзган иншолар бир олим ибораси билан айтганда беш тийинли сариқ чақалардай бир-бирига ўхшайди. «Бой ила хизматчи» драмаси бўйича иншо ёзаётган ўқувчи агар у ўғил бўлса албатта Ғофирга, қиз бола Жамилага ўхшашни «орзу» қилади.

Ҳолбуки, дўписини ерга қўйиб ўша ўқувчи ўйлаб кўрмайди, фикр юритмайди, юритолмайдик, нима учун у айнан Ғофирга ёхуд Жамилага ўхшаши шарт?!

Демак, ҳаётда ФИКР ЮРИТА ОЛИШНИНГ аҳамияти катта экан, мантиқ фанини ўқитишни йўлга қўйиш даркор...

## Тарихдан бир шингил

К адимги Грецияда бундан икки ярим минг йил аввал фан сифатида мантиқ ундаги демократия туфайли тутилганлиги бежиз эмас. Ушанда фикрни тараққий эттириш жамиятнинг диққат марказида турарди. Баҳслар, муҳофазалар орқали ягона ҳақиқатни топиш демократияни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эдиким, у фикрлаш жараёнининг асосий низомларини ўз ичига олган муайян фан яратишни тақозо этарди. Мантиқ фани шу тахлит дунёга келди.

Бизда-чи? Мамлакатимизда мантиқ фан сифатида нега 1946 йилгача деярли таъқиқланганлигига ҳозир таажжубланмаса ҳам бўлади. Мантиқ принциплари умуминсоний, қонунлари лўнда-тушунарли. Уларга риоя қилиш дунёни аниқ идрок қилиш имконини беради.

Ҳозир баҳслашишда қарама-қарши фикрларга келишга ҳам «рухсат» текканида, билдикки, бу биз ҳали эгалламаган бутун бошли санъат экан. Демократияни, ошкоруликни кучайтириш ҳақида гапирямиз, ўз фикримизни, ҳа, ҳа, ўз нуқтаи-назаримизни ифода қилишга уринаймиз, буни эплотмаяймиз. Негаки, бунга бизни ўргатишмаганди. Тўғри, ўз фикрига эга бўлишни ўргатиб бўлмайдими, бироқ шунинг йўл-йўригини ўргатиш мумкин эди-ку. Масалан, ўз фикрини ҳимоя қилиш воситаси орқали. Ҳа, бунга ўргатиш мумкин. Лекин бу кимгадир керак бўлмасачи? Мен 15 йилдан буён Тошкент Давлат университети юридик факультетида мантиқ фанидан дарс бериб келаман. Бир студентнинг қачонлардир орқаворотдан айтган гапини

ҳеч эсимдан чиқаролмайман: «Бизга мантиқининг нима кераги бор, бизнинг ўз мантиқимиз бор». Ҳаммага маъқул бу мантиқ нимадан иборат эканини яхши биламиз. «Ўз» мантиқига эга бўлган, яъни «ҳамма нарсани пулга сотиш ва пул билан сотиб олиш мумкин», деган мантиқ тарафдорлари, эҳ-ҳе, яқин пайтларда ҳам қанча кўп эди-я!..

Лекин бундайларнинг кунни битди, деб чакпак чалишимизга эрта эмасмикин? Биз ҳам шуни истардик, бироқ истак воқеъликка айлангунча яна қанча сувлар оқиб ўтаркин?! Лекин энди «улар»га йўл бермаслик керак.

Мантиқ илмини билиш, наинки билиш, балки уни амалиётга татбиқ қила олиш — бу ҳам «мендан бугина — сендан угина» деган мараз мурасасозлик, аблахликка қарши курашда бир қурол бўлиб хизмат қилиши керак.

## ЯШАШНИ

Ҳозир кўпгина олий ўқув юртлари ўқув программасига расмий мантиқ фани киритилган. Бу дарслар қандай ўтиляпти?

Бир неча йил америка университетларида ишлаган таниқли совет философи Ю. К. Мельвиль уч йил олдин Тошкентда меҳмон бўлган эди. У ТошДУ философ-талабаларига махсус курс ва ўқитувчиларга бир неча лекциялар ўтган эди. Жумладан, олим АҚШдаги олий таълимнинг аҳволи хусусида лекция ўқиган. Шунда ўқитувчилардан бири Америкада мантиқ қандай ўқитилишига қизиққан эди, олим «мантиқнинг ўн олтитасининг қайси бирига қизиқярсиз» деб жавоб берди.

Ўн олтитасидан?! Бизда мантиқ — логиканинг мутахассислигига қараб уч курси — формал, диалектик ва математик логика ўтилгучи эди. Уларда ўн олти курс ўтилиши эшитиб, залдан кимдир пичинг қилди: «Бошқа ишлари йўқ-да».

Ҳолбуки, биз ишнинг кўзини биладиган америкаликлар ҳеч қачон аниқ фойда келтирмайдиган фан билан шуғулланмасликларини аллақачон англаб етдик-ку, ахир? Мантиқ қандай фойда келтириши мумкин? Агар биз уни билмасак ва тушунмасак — ҳеч қандай!

Ҳолбуки, унинг лоқал муносабатлар мантиқи деган бўлимини ёшларга ўргатганимизда эди, улар ҳаётларидаги кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олишлари мумкин бўлур эди!

Ҳозир-чи? Биз ёшларимизнинг миясини бир дунё керакли-кераксиз билимлар билан тўлғизаяймизу, унга энг керакли хислат — жамиятда, коллективда, оилада яшашни ўргатмаяймиз. Ҳолбуки, бу фан аллақачон яратилган, деярли ҳар бир ҳаётий вазиятни таҳлил қилиш, вазиятдан кейин бўладиган ҳодисаларни башорат қилиш мумкин.

Муносабатлар мантиқини эрта ўрганмаганимиз учун муомала борасида ақлимиз «қирққа киргандан кейин қуюлади».

Муносабатлар мантиқини дифференциация қилиш мумкин: сотувчи ва харидор, бошлиқ ва ходим, терговчи ва судланувчи ўртасидаги муносабатлар мантиқи. Бу муносабатлар турлича бўлса ҳам улар тузилишига кўра умумийдир.

Муносабатлар мантиқини билиш айниқса оила қуришда муҳимдир. Оила қурувчилар асосан ёшлардир. Никоҳ дегани бу — мутлақо ҳар хил икки одамнинг бир мақсад сари онгли қўшилишидир. Муносабатлар қандай шаклланишига оиладаги муҳит, унинг аъзоларидаги кайфият, болаларнинг бахти чамбарчас боғлиқдир.

«Бошқалар сизга қандай муносабатда бўлишини истасангиз, ўзингиз уларга шундай муносабатда бўлинг» деган нақл бор ҳинд-

ларда. Эр-хотин ўртасидаги муносабат одамнинг ойна билан муносабатидай гап, яъни «башаранг қийиқ бўлса ойнадан ўпкалама» деган мақол айни шунга ишорадир. Биз бу гапларни эшитганмизу, аммо машғулот сифатида бу қонуниятнинг амалиётга татбиқини ўрганмаганимиз учун кўп ҳолларда ютқазагимиз.

Яқинда бир талабам маслаҳат сўраб келди. «Ўлдим-қуйдим» қилиб, севиб бир қизга уylanган экан, мана, ярим йил ўтар-ўтмас уни кўргани кўзи йўқ даражада бўлиб қолибди. Хотинининг эмас, йигитнинг феълани суриштирдик. Мен унга одат бўлиб қолган муносабатлар йўсинини ўзгартиришни маслаҳат берган эдим, кўп ўтмай оила бахти тикланиб кетди. Ҳозир эр-хотиннинг оғзи қулоғида, фарзандларини бинойидек ўстириш-япти экан.

Бошқа ҳолда эса маслаҳатим кечикди. 19 ёшли Ира К. эрга тегиб бола туғишга улгурибди-ю, муҳаббат бир одамни ўзига батамом ром қилиб, ноғорасига ўйнатиш эмас, ўз яқин одамнинг кўнглини тушунишга интилиш эканини фаҳмлаб етмабди.

Оилада яна бир жанжал чиққанда жаҳли чиққан эр ойнадан ташлаб ўзини бир умрга майиб қилиб ўтирибди. Ҳаётда жисмоний бўлмаса ҳам маънавий майиб бўлган одамлар озми? Океанда сузиб юривчи муз тоғлари бўлади. Унинг устки қисми кичикроғу, сув остидаги қисми улкан бўлади. Ҳар қандай муносабатлар муз тоғларининг устки қисмини эслатади. Муносабатлар нега шундайлигининг сабаби эса кўзга яширин, (сув остки қисмидагидай) чуқурроқ, мураккаброқ бў-

## ЎРГАТИНГ

лади. Бу ерда иқтисод ҳам, сиёсат ҳам, қўйингки бошқа минг хил сабаблар бор. Бу муносабатлар шаклини жиддий ўрганиш, агар улар номақбул бўлса, шуни айтиш ва бу йўл билан умуминсоний муносабатларга ўргатиш керак.

Муносабатлар мантиқига қизиқиш ёшлар, талабалар ўртасида жуда катта. Бу дарс бўйича ўтказиладиган амалий машғулотлар қизгин баҳсларга айланиб кетади. Менимча, ёшларимизга бу фанни ўрганиш бошқа анчайин фанларни ўрганишдан муҳимроқдир. Келинг, ўқувчи, ҳали мактабларимизга кириб бормаган бу фанни — «яшашга ўрганиш» фанини «Еш куч» саҳифалари орқали ўрганайлик...

Е. КУРНИКОВА









**Х**озирги ўзбек адабий тилида ўттиз битта товуш бор. Ўзбек тилига тарихан назар солган вақтимизда ёки шевадарни ҳисобга олганимизда кўпроқ бўлади, аммо қирқтадан ошмайди. Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз ясалиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин.

... Етук санъаткорларнинг, жумладан классик шоирларнинг асарини ўқиганда унинг икки жиҳатини — маъно ва сувратини, яъни мазмун ва шаклини ҳисобга олиш ва маънонинг бирламчилигини эсдан чиқармаслик керак. Навоий «маъно аҳли маънога, суврат аҳли сувратга боқар» дейди. Бинобарин асарни тўғри тушуниш учун унинг маъносига етиб бориш керак. «Май» сўзи ва унинг маънодошлари асарнинг маъносига келганда ичкиликни билдиради. Лекин сувратда келганда ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради. Бу ҳолда май сўзи истиора тарзида қўлланади, яъни «май» сўзи мазмунан «ҳақиқат майи», «ишқ майи» ва «васл майи» деган ибораларга тенг бўлади.

... Фалсафий шеърда «жонона» ёки «жонон» деганда борлиқнинг коинот ва ундаги мавжудотнинг узлуксиз ҳаракатини таъминлаб бор қилиб туриш сифати тушунилади. Буни вужуднинг қайюмият сифати дейилади. Қайюмиятнинг бир кўриниши физикада «сақланиш қонуни» деб аталади. «Жонона» ва «жонон» сўзларининг бу маъноси мазкур сифатни жонга ўхшатиб, уни борлиқнинг жони деб тасаввур қилиш ёки тушунтириш натижасида вужудга келади.

... Айрим йигитчалар, уларни бир лагандан ёки бир дастурхондан таом ейишга таклиф қилинганда «шериклик ошни ит емайди, мен ейманми?» деб таклифни рад этадилар. Мазкур мақолни бундай ишлатиш мутлақо нотўғридир. Чунки бу мақол ошни ит ва итга ўхшаганларгина емайди, инсон эса аксинча таомни ўзгалар билан баҳам кўради, ёлғиз таом еёлмайди, деган мазмундадир. Кўпчиликнинг бир лагандан ош ейиши аҳиллик аломати ҳисобланади ва бу болаларни аҳилликка ҳамда бирига меҳрибон бўлишга ўргатиш учун махсус қилинади. Шунда кичкина болалар бир-бири билан чиқишолмай қолсалар, уларга одам боласи бир-бири билан ҳеч нарсани талашмаслигини, талашини, уришини ҳайвонга, айниқса итга хос эканлигини тушунтириб, болаларни тартибга ўргатиш мақсадида «шерикли ошни ит емайди» дейилади. Агар бола бирор нарсани ўзи ҳам емай, бировга ҳам бермаса, унда у болага, итлик қилди, дейилади. Чунки ит ўзи тўйгандан кейин ҳам ириллаб, овқат олдига бошқаларни йўлатмайди.

Демак, шериклик ошни ит емас экан, инсон боласи эса ақлли, эси, ҳуши бўлгани учун шериклик ошни ер экан ва бу унинг инсоний хусусияти экан.

...Тўрғай қуши баъзан «сўпитўрғай» деб аталади. Бу сўздаги «сўпи»нинг аслида «сўфи» ёки «сўфий» деб тушунувчилар бор. Аммо бу қушнинг асл оти «тўрғай», «сўпи» аниқловчидир. Бу «сўпи»нинг муаззин, яъни азон айтувчи маъносига «сўфи» сўзига ҳам, «дарвиш» маъносига «сўфий» сўзига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин халқ орасида «сўпи»ни «сў-

фий» деб тушуниш натижасида тўқилган хурофий изоҳ ҳам бор. Бунда тўрғайнинг вижирлаб осмонга кўтарилиб тушишини у худонинг номларини айтиб осмонга қараб учади ва мингта номдан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини айтиб, биттасини билиб айтолмайди, натижада яна ерга қайтиб тушади, агар минггинчисини ҳам айтганда худога етишар эди, дейилади ва шуни унинг «сўпитўрғай» деб аталашига сабаб қилиб кўрсатилади.

Ҳақиқатда эса «сўпи» сўзининг маъноси «конус»дир. Конуссимон, яъни қуйи қисми кенг бўлиб, юқорига учли бўлиб борган ҳар қандай нарсани «сўпи» дейилади. Тасбеҳнинг сўписи ҳам конуссимон бўлгани учун шундай деб аталган. Боши шу шаклга эга бўлган кишини «сўпибош» дейдилар. Агар бирор нарсага конус шакли берилса, «сўпиланди» дейилади. Тўрғайнинг боши сўпи, яъни конуссимон бўлгани учун «сўпитўрғай» дейилган. Бинобарин бу сўзни ёзишда ҳам «сўфитўрғай» деб «ф» ҳарфи билан эмас, «сўпитўрғай» деб «п» ҳарфи билан ёзиш керак.

... Кейинги пайтда «лутфан таклиф қиламиз» деган ибора ишлатила бошланди. Бу ибора кўринишда гўзалга ўхшаб кўрилади. Аммо маъно жиҳатдан «лутфан таклиф» қанчалик тўғри?

Баъзан кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламига мос келмагандай, ибораларнинг эшитилиши уларнинг мазмунига мос келмаслиги мумкин. Бундай сўз ва иборалар ёш шоирларнинг ва олимларнинг нутқида ҳам учраб туради. Масалан, шоирга бирор сўз, олимга бирор термин ёқиб қолса, уни ўринсиз бўлса ҳам ишлатишдан ўзини тўхтатолмаслиги мумкин.

«Лутфан таклиф қиламиз» дейиш икки жиҳатдан нотўғри. Биринчидан «лутф» билан «таклиф» луғавий жиҳатдан бир-бирига зиддир. Чунки «лутф» деб юмшоқлик ва назокат билан қилинган эътибор ёки муомалага айтилса, «таклиф»нинг луғавий маъноси кулфатга солиш, ташвишга қўйишдир. Таклиф қиламан деган гап «қадам ранжида қилишингизни сўрайман» деган гапга мазмунан яқиндир. Бировни ҳатто зиёфат ёки базмга чақирган киши муомала одобига биноан «сизни лаззат олишга чақираман» демай, «сизни ташвишга қўймоқчиман» дейди. Лутфан, яъни лутф қилиб сизни ташвишга қўяман, дейиш албатта тўғри эмас.

Ҳозир кўнглингизга «таклиф» сўзининг ташвишга қўйиш маъноси кўпчилик томонидан уқилмайди, деган фикр келди. Бу тўғри фикр. Чунки кўпчилик «таклиф» сўзининг фақат чақириқ маъноси билан чеклаб ишлатади.


Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор бўлиб, бу «лутфан таклиф» иборасининг чақириқ одобига зидлигидир. Меҳмон чақирувчи киши чақирилувчига, мен сизга лутф қилиб меҳмонликка чақираман деса, бу одобдан бўлмайди. Чақирилувчининг кўнглига «мен сенинг бундай лутфингга мухтож эмасман» деган фикр келиши мумкин. Аммо чақирилувчи лутфан чақирганингиз учун раҳмат дейиши муомала одобига мувофиқдир.

Агар чақирувчи чақирилувчига «лутфан марҳамат қилишингизни сўрайман» ёки «лутфан ташриф буюришингизни илтимос қиламан» деб мурожаат қилса, унда лутфни чақирувчи чақирилувчига эмас, чақирилувчи чақирувчига қилган бўлади ва ибора мазмунан тўғри бўлади.


... Баъзан «Ғафур Ғулом номидаги мактаб» дейиш маъқулми ёки «Ғафур Ғулом номли» деган тўғрими, деб сўрайдилар. Бунинг ҳар иккиси ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан маъқул эмас. «Ғафур Ғулом мактаби» дейилса бас, «номидаги» ёки «номли» деган сўзлар ортиқчадир. Ўзбекча «Ленин майдони», «Навоий театри», «Пушкин боғи», «Максим Горький кўчаси» дейилади, номли ёки номидаги сўзга эса эҳтиёж йўқ.

Ҳозир баъзи ўқувчиларнинг миясига «Ғафур Ғулом» мактаби дейилса, бу Ғафур Ғуломга қарашли мактаб дегани бўлади деган фикр келди. Лекин бу фикр тил хусусияти нуқтаи назаридан тўғри эмас. Фақат қаратқичнинг «-нинг»ли ва «-нинг»сиз формаларидаги маъно фарқини кўролмаган тилчилар нуқтаи назаридан тўғри. Гап шундаки, агар мактаб Ғафур Ғуломга тегишли бўлса, яъни у қурдирган ёки ўқиган мактаб бўлса, ўзбек «Ғафур Ғулом мактаби» демайди, «Ғафур Ғуломнинг мактаби» дейди. Агар мактаб унинг номига қўйилган бўлса, «-нинг»сиз «Ғафур Ғулом мактаби» деб қўя қолади. Абдулла Тўқай кўчаси дейилса, кўчанинг номи бўлади, агар Абдулла Тўқайнинг кўчаси дейилса, Абдулла Тўқай яшаган кўча тушунилади.

Аммо рус тилида «имени», яъни номидаги деган сўз қўшиб, «школа имени Гафура Гуляма» дейилса тўғрироқ ва аниқроқ бўлади. Чунки «школа Гафура Гуляма» деганда мактаб унинг номига қўйилганми ёки у ўқиган мактабми, билиб бўлмайди. Лекин шубҳа туғилмайдиган ўринларда русчада ҳам «имени» сўзи тушириб қолдирилади. Масалан, русча «Площадь Ленина», «Театр Навои» дейиш мумкин. Худди шунингдек «тўқсонинчи сонли мактаб» тарзида «сонли» сўзини ишлатиш ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан ортиқчадир. Биринчи мактаб, тўқсонинчи мактаб дейилса, тўғри бўлади.



РЕДАКЦИЯДАН. Азиз журналхонлар! Сизларга ўқиб учун тавсия қилаётган китобимизнинг афзалликларини таърифлашни лозим топмадик. Балки ундан бир шингилни ҳукмингизга ҳавола этиш билан чекландик, холос. Лекин муомаламиздаги яна қўллаб сўзлар маъзини тушунишга, умуман тил маданиятига қизиқувчилар бўлса «Еш гвардия» нашриётида шу йил чоп этилган ушбу оммабоп китобни ўқиб чиқсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.



Студентлар меҳнат чорагининг алвон байроғи хилпирамоқда: олтин даврнинг такрорланмас дамларида ўз ғайрат-шижоатлари, берақали меҳнатлари билан яна бир бора синовдан ўтадилар.

А. КУДРЯШОВ фотоси.





Синф раҳбари Замира Жўраевна Алиева ўқувчиларнинг ҳамिशалик маслаҳатгўйи.

**Ё**зи таътил—китоб-дафтарларни бир ёнга қўйиб, ўқитувчиларнинг панд-ўғитларидан гўё „қулоғи тинчиб“, кўнглига келганини қилиш, кунларини беҳуд елларга соғуриш эмас!

Тошкентдаги 253-мактабнинг 8 „б“ синф ўқувчилари дам олиш кунларини мароқли ўтказадилар:  
 Колхоз теплицасида ота-оналарга ёрдам берадилар, қизларнинг чевар қўлларидан барқ урган гуллар янада оройиш топади.  
 Мактаб комсомоллари ўринбосарлари—пионерларни оталиққа олишган.  
 Таътил кунларида ҳам улар билан ишлашга, билимларни мустаҳкамлаш, қизиқарли машғулотларга вақт ажратадилар.  
 Синфдошлари— ўғил болалар парваришлаган ниҳолларнинг гулга кирганини кўриш қувончли!

Уларнинг бири бирига устоз, бири бирига шогирд.  
 Ўзинг меҳр билан тайёрлаган таом лаззатли бўлади. Айниқса, дастурхон тузаб, севимли устозларнинг, ота-оналарингга ҳам тортиқ эта олсанг... нақадар бахт!  
 Албатта хушбўй чой, хуш нигоҳинг билан!  
 Қизлар ижро этган „Тошкент пилласи“ лапарни ҳам ўз ўрнида бўлди.

А. КУДРЯШОВ фотолари.





**Ўз неъмат** Н. МУХАММАДИНОВ ФОТОСИ



Ойнаванд бино пештокида қуёш нуридан ялтираб турган радиокарнайдан фамилиялар ўқиладиган бўшлади. Номи чиққанлар чехраси кундай очилиб, ўзини ичкарига ураб, қолганларнинг эса юз-кўзидаги бетоқатлик авж оларди. Радиокарнайда овоз тинди. Шунда салқиндаги ўриндик атрофида уймалашиб турган қизлардан бири ўзини тутолмай пиқиллаб йиғлаб юборди, дарахт соясидаги аксар йигитларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, рангидан қони қочди, ҳатто биттаси ўзидан кетай деб дарахтга суяниб қолди. Кимдир сув келтириб, унинг юзига сепди, кимдир бояги қизга далда беракетди, икки-уч ўсмир эса эшик оғзида билакларига қизил латта боғлаб олган болаларга ёпишиб, ичкарига қўйворинлар, деб хархаша бошлашди. Атроф норози ва аламзада овозларга тўлиб кетди.

Ўтган йили ҳам мандатдан ўтказишмаганди-я!

— Ўзи ҳақиқат қолмабди бўтта!!

— Энди қишлоққа қандай бораман, ахир?!

— Шайга қираман дедимми, барибир қираман! Бу йил олишмаса, кейинги йили олишди!

Баҳодир ҳам тарвузи қўлтигидан тушганча бу норозиликларга нимадир деб қўшилгиси



# Тошкент

Қисса

Адхам ДАМИНОВ

келар, лекин нима дейишини билмай, дам-бадам радиокарнайга умидвор кўз ташлаб қўярди. Аммо соқов қолган карнай қайта тилга кирмади.

— Юр, энди!

Баҳодир бошини кўтариб, дадасини кўрди. Ҳатто ёнида дадаси борлигини унутмабди. У дадасига эргашди. Дамин домла оғзига толқон солгандек чурқ этмай борарди. Ҳозир бир ҳисобда шуниси ҳам яхши. Ўзи бўлари бўлиб, сувга бўккан бўлкадек зўрга келяпти, тасалли ҳам таънадек кулоққа ёқмайди шу топда. Ундан кўра сўкса, урса... Омади келмади, бахт ундан юз ўгирди. Студент бўлишни, Тошкентда ўқишни қанчалик орзу қилганди-я! Келиб-келиб мандатдан ўтолмади. Ҳаммаси тўрт бўлса ҳам, охири имтиҳондан кейин одам жуда оз қолди-ю деб киришига қаттиқ ишонганди. Дадасининг мандатга келишини эса сира кутмаганди. Орадаги шунча гаплардан кейин...

Бекатга етгач Дамин домла тилга кирди.

— Сира гапга унамадинг-унамадинг-да... Ўзингдан ўтди...

— Юзимга солманг!

— Юзингга солаётганим йўқ. Қанақасан, сен ўзи?

— Қачон бўлса ҳам қираман! Шайга!— Баҳодирнинг хўрлиги келди, кўксига қандайдир бир яширин дард қўзғолди-ю, ўзи ҳам истамаган ҳолда кўз ёшлари айланиб, куюлиб кела бошлади.

— Уғил болага ярашмайди... Қани, юр-чи!— Дамин домла уни бир четга етаклади.— Мен бир оз шаҳар айланиб, кечки поездда қайтаман. Сен бориб дамингни ол! Ҳужжатларингни олгач, борарсан. Мактабдан бирон иш топилаб.— Сўнг дадаси қорозга ўралган бир нарсани унга узатди.

— Ма, чўнтагинга солиб қўй... Ишлатмасанг, қайтарарсан. Пул!

У кун бўйи хонада чўзилиб ётадиган Султонни эслади-ю, ётоққа оёғи тортмай, студентлар шаҳарчасини ўйчан кезиб юрди.

... Ўқиш хуеусида доим дадаси билан фикри айри чиқарди. Минг босиқлик билан гап бошламасин унинг қайсарлигидан дадаси бирдан ту-

тоқиб кетарди. «Намунча «Тошкент, Тошкент» дейсан?! Нима, Тошкентнинг ойи борми? Қўқонни нимаси ёмон? Туппа-тузук пединститутги бор. Жуда яқинда ўқимайман десанг, ана, Фарғонага бор, у ерда танишлар ҳам топилади. Нима қиласан узокни ораулаб? Узокда ўқишни ўзи бўлмайди: бир товукча ҳам дон керак, ҳам сув. Кейин билиб қўй: айда талабгорлар сонингга: ўнтадан, юзтадан биттани чертиб-чертиб, танлаб олади. Кейин у ёққа кетингдан чопиб юришга менинг вақтим йўқ. Кирилмасанг юзинг шувут бўлади!»

Минг қилса ҳам ота экан-да, барибир ўғлим деб, келибди. Лекин йиқилгани чатоқ бўлди-да. Энди киролмадим, деб дадаси айтгандек, шимилдиригини тортиб қишлоққа борадими? Одамлар кулади!.. Ҳаммадан ҳам асли ўқишининг мазаси йўқ, бирор жойга киришга ақли етмай ҳар кимларнинг гижгижи билан элдан бурун «колхозда қоламиз, қишлоғимизни обод қиламиз, гуллаб яшнатамиз», деб синфни бошига кўтарган ўпка синфдошларига қалақа бўлишини ўйласа, баданидан совуқ тер чиқади. Улар қишлоқда қолганларига шунақа керилишадик, худди фазони забт этган фазогирдай сезишди ўзларини. Гўё шу пайтгача мактабни битириб ҳеч ким қишлоқда қолмагандай. Кошки унақалар оз бўлса. Ана, юрибди ҳаммаси бир касбнинг бошини тутиб. Уй-рўзгор, бола-чака дегандай. Улар ҳам шуларга ўхшаган ўқувчилар бўлган бир вақтлар. Улар қолиб ўзгармаган қишлоқ энди булар қолиб бир пастда ўзгариб қолармиди? Ўзгарса-ку майли эди, қанча мактабишса ҳам. Тагин гуруҳвозлик қилишиб ўқишга бораман деганларга «бузғунчилар» деб эгри қарашганлари ортиқча. Қизиқ: газеталарда ҳам шунақаларни мактаб ёзишгани ёзишган. Ахир ҳамманинг пешонасига «қишлоқда қоласан» деб ёзиб қўймаган-ку. Ҳар кимнинг кўнглида ҳар хил ўй, орзу. Улар бўлса одамни ҳам инкубатор жўжаларига ўхшатиб ҳамманинг кўнглидан бир гап қидиради. Эҳ, аттанг, киролмаганини эшитишса, ана ўша ковокмия синфдошлари тоза мириқишади-да, оғзиларининг таноби қочиб...

II

Султон ётоқда экан.  
— Нима бўлди?— деди у хонага кириб келган Баҳодирга.— Уттингизми? Баҳодир жавоб ўрнига унга ёқимсиз қараб қўйди. Султоннинг қозоқбашара яси ози, йигит кишига унчалик ярашмай диган ўсик, бир-бирига туташиб кетган қоши жуда хунук кўриниб кетди шу топда. Султон эса унинг эсанкираб туришидан ҳузурлангандек иршайди.

— Нима, бу дейман, бўримас, тулки бўлганга ўхшайди, а?

Баҳодирнинг баттар гаши келди. Султоннинг иржайганда ўрадек очилиб кетадиган оғзига ижирганиб тикилди: одамзоднинг ҳам оғзи шунақа беўхшов бўладими? Бу оғзи катта, пакана, маймунбашаранинг шу маҳалда тиржайишига бало борми? Иштони йўқ иштони йиртиққа қулибди! Бир бопласинми... Э, шу тўнка билан тенглашадими? Ўзи бусиз ҳам бўлари бўлиб турибди. Барибир бу бола икки дунёда ҳам унга эл бўлмайди.

— Ўтолмадим...

— Э, ана айтмадимми, ҳозир ўқишга кириш учун ё зўр таниш керак, ё муллажиринг,— деди Султон. Кейин Баҳодир ҳар кунгидек гапини қайириб ташламаганини кўриб, дадиллашди.— Биламан, гапим кўнам сизга ёқмайди, лекин бари сиз айтгандекмас-да. Мен нега йиқилдим? Ўша имтиҳон олувчиларнинг таниши кўп, ўшанга биздақаларни биринчи имтиҳонданок қуритди. Мен-ку майли-я, сиз-чи? Кеча-кундуз бир минут китобдан бош кўтармадингиз, билимингиз зўр, барибир олишмабди. Хўш, ўзинг-чи, қани байда ҳақиқат? Э, ҳақиқатнинг ўзи йўқ нарса. Баҳодир ортақ чидаб туролмади.

— Ҳақиқат бор! Кирилмадим, демак кирганлар мендан зўр экан.

— Ол-а! Биламан, шундай деяпсиз-у, ичингизни ит тирнапди.

— Э, сенга нима-а?— Баҳодир сапчиб ўр-







**Э**рталаб кетмон кўтариб қип-қизарганча шийпонга кириб борди. Қишин-ёзин чопон кийиб юрадиган Раҳмон бригадир унга ҳайрон тикилди.

— Ке, қайси шамол учирди?  
— Ишлагани,— деди Баҳодир секин.  
— Ҳа, яхши,— бригадир унга синчков қаради.— Унда Булоқбошига бора қол, кишилар зовур қовлашяпти.

Булоқбошида ҳаммадан бурун унга Соли девнинг кўзи тушди.

— Ув-в, қаранглар ким келяпти: домланинг ўғли, ўзимизнинг «студент-ку». Практиками? Дарров-а? Кел, кела қол, шогирдга зормиз.

Ҳамма ишни қўйиб, Баҳодирга ҳазиллашди.  
— Умрим зовур қовлаш билан ўтсин десанг, Соли девга шогирд бўласан,— деди Абдусалом ака.

— Нима, сенга шогирд бўп нос чекишни ўрганармиди? — деди Соли дев унга қараб. Қолганлар ҳам жим турмай уни ўзларича эрмаклашди. Уз ёғига ўзи қоврилиб юрган Баҳодирнинг бўлар-бўлмас гаплардан жаҳли чиқди, шартта кетмонни улоқтириб кетворай деди-ю ҳар ёғини ўйлади. Арслон изидан йигит сўзидан қайтмас. Кулса кулишар.

У биринчи кунданок бўш вақтда ўқийман деб газетага ўраб тўр халтага солиб келган дарсликларни тут каллагига илди-да, зовурчилар қаторида иш бошлади. Зовурга ҳар кетмон урганда заҳ балчиқ ҳиди димоғига урилар, у бировга билдирмай бурнини жийриб қўярди. Тушликдан кейинги ҳордиқ чоғида тут каллагидagi китобларига кўзи қири билан қараб қўйди. Йўқ, ҳозир олиб ўқиса яна кулли бўлади. Майли, бугун ўқимаса эртага ўқийди. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Шу куни даладан шалвараб қайтди. Кечкурун телевизор ҳам кўрмади, дарс ҳам қилмади. Бели, оёқ-қўли зиркираб оғрирди. Каравотга чўзилди-ю, ухлаб қолди.

## IX

**Б**аҳор келиб, экиш ташвиши авж олди. Раҳмон бригадир Баҳодир билан Сотволдини Соли девга кўшиб, тракторчи Тошқўзи полвон ихтиёрига бериб қўйди: ўзидан ҳам тили полвон Тошқўзига унча-мунча одам гапда бас келолмайди. У Баҳодирга ҳам тегишавериб тоза жонига теккан эди. Лекин бригадир айтгач, бирга ишламай иложи қанча. Қишлоқда киш бўйи уюлиб қолган гўнгни Тошқўзининг тракторига уланган прицепага солиб далага ташиш керак эди. Совуқ тушиб, кузда ҳайдовдан қолиб кетган ерларни ўғитлаш лозим.

Уша куни кун ботгунча ишлашди. Аммо на ишбоши Соли дев, на полвон ишни тугатиш ҳақида чурқ этмасди. Баҳодир ҳам, Сотволди ҳам чарчаган, роса очкаган эдилар. Кейин Баҳодирнинг хаёли бугун телевизорда бериладиган «Пахтакор»нинг ўйинида эди. Охири унинг сабри тугади.

— Бўлар энди, Соли ака! — деди галдаги прицепни гўнгдан бўшатигач.

— Яна борамиз. Ҳали яна уч рейс қиламиз. Боя Раҳмон бувангнинг гапини эшитмадингми, эртага бу ерлар ҳайдаларкан.

— Кеч бўлди-ку!  
— Кечинг нимаси.  
— Шунақа экан, раисдан погрузчик сўрамай-дими, ўзи юклаб, ўзи туширарди.  
— Погрузчикка қарайдиган бўлсак иш кечикади.

Баҳодир секин бориб Сотволдини туртди.  
— Кетамиз, фақат сен бошлайсан,— деди Сотволди.

...Баҳодир ярим кечада оёғини зўрга судраб уйга келди. Ҳамма ёғидан қўланса гўнг ҳиди анқирди. Этигини, уст кийимларини ечиб уйга кирди. Уй ҳам бирпасда бадбўй ҳидга тўлди. Стол устидаги чиқиллаб турган соат уч бўлибди. Соат ёнидаги сопол косадаги овқат аллақачон совиб қолган. Печдаги кўмир кулга айланибди. У овқатга қараб, негадир ўзида бояги очликни туймади. Ен-верини ҳидлаб, пешонаси тиришди. Овқат ейиш ҳам, ариққа чиқиб совуқ сувда ювиниб келиш ҳам жуда малол келди, ўзини таппа каравотга ташлади-ю, чироқни ҳам ўчирмай, донг қотиб қолди.

Эрталаб буви си уйғотганда у қовоқларини очолмай, уйқусиради.

— Нима?!  
— Тур деяпман, ишга кечикасан.  
— Ҳозир.  
— Мунчавало, этикларинг, кийимларинг ифлос, ҳаммаёқ ҳид...

— Гўнг ташдик.  
— Ярим кечагача-я? Келавермадинг, кута-кута ухлаб қопман. Овқатни емабсан-ку! Атайин сен яхши кўрасан деб угра қилгандим. Тур, сув иситиб қўйдим, ювиниб ол. Чарчаган бўлсанг, бугун борма қўя қол. Жа сенсиз колхознинг иши тўхтаб қолмас.

Ювинди, овқатланди, кийимларини тозалади, сўнг мудраганча уйга чўмди. Чиқмай қўя қолса-чи. Чарчаган, ҳам бугун яқшанба. Айтмоқчи, бу колхозда дам олиш кунининг ўзи борми? Ишдан қолсанг радиого тушасан. «Сабабсиз «прогуль» қилгани учун умумий мажлис қарорига асосан фалон бригададаги Фалончиевнинг иш ҳақидан фалон сўм чегирилсин!» Ажаб... ҳаммаси қонунлаштириб қўйилган. Ҳамма жойда бор дам олиш куни бу ерда йўқ. Ойда бир қолишга ҳам бригадирнинг қош-қовоғига қарайсан. У истаса «хўп» дейди, бўлмаса «ҳозир задайна пайти» деб икки оёғини бир этикка тикиб олади. Узи бу дала иши қачон бекистов бўлган? Кўкламда колхозчининг уйи ҳам дала, ўйи ҳам. Ез — гўзага ишлов пайти. Ез ёруғида парвона бўлиб ишлар қилинмаса кузда ҳосилга кўз тикма. Шундай бўлгач, Раҳмон биргандан бир соатга жавоб олиб кўр-чи.

У-ку вақтинча ишлаяпти, ўлмаган аёлларнинг жони — йил ўн икки ой далада-ю, бир оғиз миқ этиб зорланганини кўрмайсан. Берухсат ишдан қолмайди. Кирини ҳам ярим кечада ювади, нонини ҳам ой ёруғида ёпади. У ҳам бувисининг жонига кўп оро кирган. Уйкудан қолиб, кир қозонда сув иситарди, тандирга ўт ёқарди, сигирга бузо-

ғини қўйиб берарди. Бувиси даладан чарчаб келса ҳам ҳаммасига улгурарди, тагин азонлаб далага югурарди. Қишдагина сал тиним топиб, у билан укаларини бағрига босиб ўтирарди. Мана шу қишнинг бир ойи, нари борса икки ойи улар учун ҳам курорт, ҳам санатория. Бошқа нарса уларнинг етти ухлаб тушига кирмайди. Яна шунча ташвиш устига мавсуми келди дегунча қурт боқишади. Бир ой на кечаси ҳаловат бўлади, на кундузи. Эрта саҳар туриб дадасининг велосипедига мингашади-да, далага боради. Дадаси барг кесади, у уйқусираганча кесилган новдаларни тўплайди. Уйга қайтиб, бир пиёла чой ичиб-ичмай уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб мактабга ошиқади. Уқитувчилар ҳам бундай кунларда кечиккан, дарсада ухлаб қолганларга индамайди.

У ҳар баҳор бувисига ялинади:  
— Буви, бу йил қурт тутмай қўя қолайлик!  
Бувисининг эса жавоби битта:

— Бир ой қийинчилик нима деган гап, ўғлим, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Ахир ҳаммасидан ҳам ўтин-чўпини айт: кесмалдак бўлмаса, қишда нима ёқамиз?

Кейин у дадасига зорланади.  
— Дада, ҳеч бўлмаса бир йил тутмайлик.  
— Э, мен ҳам шунини айтаман-да. Барг излаб изгиш жонимга тегди. Бу ёқда сенларга азоб. Лекин бувинг кўпдан қолмайлик дегани деган.

— Элга келган тўй,— бувиси гапга аралашди.— Тутмасак уят! Барибир қуртбиргат Зиянали кистайди, сизларникини кимга бераман дейди. Унга ҳам қийин, қурт мавсуми бошланди, кўзи жовдираб, уйма-уй ялиниб юради. Йилдан-йил тутмайман деганлар кўпайиб кетяпти. Тагин одамлар ҳам гап қилади: эри директор бўп, булар жа бошқача бўп қопти деб. Қўйинглар шу жанжални.

Августга бориб қуртнинг пули чекади. Бувиси килосига палон сўмдан тушди, деб олиб келган пулни дадасига беради. Дадаси пулни қайта-қайта санайди, кейин Армиядан қайтишда олиб келган қора чарм папкага солиб, шкафа беркитади. Буви секин тилга қиради.

— Чоршанба куни Қўқонга бориб, болаларга у-бу кип кесангиз. Ҳадемай киш.

Буви си айтса-айтмаса, албатта, дадаси ҳар йилги одати — қуртнинг пули қўлга тегди дегунча уни етаклаб Қўқонга — чоршанба бозорига олиб боради. Унга, укаларига қишки кийим олади, хуллас, нима олмоқчи бўлса, гўё катта одамдек, аввал унга кўрсатиб сўрайди.

— Укангга, синглингга этик, ёқадими сенга?

— Ўзингиз билас,— дейди у. Барибир дадаси нима олса, яна сўрашини қўймайди. Гўё, бу сен билан бувингнинг, укаларингнинг пешона терига келган пул, демокчи бўлади, Бувисига эса, албатта, тоза бир матодан қўйнақлик олади. Бувисини-ку, укаларига олинган нарсаларни кўрибоқ кўнгли тўлади-қолади. Мақтаб-мақтаб ҳаммасига бир-бир кийгазиб чиқади, сўнг ҳафсала билан тахлаб қўяди. «Қишгада, қишга, қишда кийиб маза қилиб, иссиқ бўп юраслар!» Охирида дадаси олиб келган матони атайин қўлга олади, сидирга







# ИНШО ҲАҚИДА СЎРАГАН ЭКАНСИЗ!

Азиз журналхон! «Абитуриент» — рубрикаси остида берилётган мақолаларнинг эълон қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо редакцияга келатган мактувларнинг мазмунидан бу мақолалар кўпчиликка маъқул бўлаётгани сезилмоқда. Иншо темалари, уларнинг ёзилиши, текширилиш тартиби ҳақида саволлар ёзилган мактувларнинг кети узилмаяпти. Қувонтираётган томонлардан бири шундаки, бизга фақат ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига эмас, ишчилар, тўқувчилар, колхоз ва совхозларда меҳнат қилаётган, билим юртларида таълим олаётган ёшлар ҳам саволлар билан мурожаат қилмоқдалар.

Жуда кўп журналхонларимиз иншо мустақил ёзиш лозимлигини айтдилар. Жумладан, Қашқадарё область, Чироқчи райони, Ворошилов совхозидан Р. Хидирова ўз хатида шпаргалкалардан воз кечиш пайти аллақачон келганлигини, бадий асарларни кўпроқ ўқиб мустақил фикрларни баён қилишга ўрганиш лозимлигини ёзди. У ўз тенгдошларига мурожаат қилиб: «Ҳамма учун ёд бўлиб кетган шпаргалкадаги фикрни эмас, ўзингизнинг шундай фикрингизни ёзингки, ўқиган кишига маънавий озиқ берсин! Сизнинг фикрингиз янгилик бўлсин!» — дейди. Бу фикрга Наманган область, Чуст районидан Б. Муҳиддинов ҳам қўшилади.

Агар биз «иншо» сўзининг маъносини билмоқчи бўлиб, луғатларга мурожаат қилсак, бу сўзнинг шундай шарҳига дуч келамиз: «Иншо — 1) ижод, асар, сочма асар; 2) ёзув, хат; иншо айламак, — қилмоқ, вужудга келтирмоқ, ёзмоқ, битмоқ». Демак, иншо ёзиш ижод қилиш билан тенг экан. Афсуски, абитуриентларимизнинг ҳаммаси ҳам иншога бундай муносабатда бўлишмайди. Унинг ижод эканини унутиб, кўчирмакашлик билан алмаштирадилар. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида иншо ёзилар экан, абитуриентнинг маълум мавзу юзасидан мустақил фикрларни ёзма тарзда баён эта олиш малакасини синовдан ўтказиш назарда тутилади.

Бизнингча Бухоро область, Ѓиждувон районидagi 23-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Холида Тожиева муҳим бир масалани илгари суради. Унинг фикрича, иншога тайёргарлик кўришда абитуриент кутубхона билан яқиндан муносабатда бўлмоғи лозим. Хусусан, у ўз мактабидаги кутубхона мудирини М. Тур-

муҳамедованинг фаолиятдан мамнун эканини билдиради. Холиданинг фикрини тасдиқлаган ҳолда иншо ёзишга тайёргарлик кўришни бадий асарларни ўқишдан бошлаш яхши натижа беришини айтмоқчимиз. Аввалги мақолаларда қайд этилганидек, бадий асарнинг мазмуни билан тўла танишмасдан у ҳақда иншо ёзиш мумкин эмас. Мактаб кутубхонаси ходимлари бу соҳада ўқувчиларга маслаҳат берадиган малакага эга бўлиши, уларга амалий ёрдам кўрсатиши яхши натижа беришига ишончимиз комилдир.

Шунингдек, Андижон область, Хўжаобод район, «Ленинизм» колхозидан Зоҳида Сулаймонова; Самарқанд область, Пойәриқ районидagi 116-ўрта мактабдан Сайёра Хувайдова; Хоразм область, Қўшкўпир райони, «А. Қурбонов» колхозидан Зулфия Ражабова; Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидagi Ҳамид Олимжон номидаги мактабдан Дилфуза Шоймардонова каби журналхонларимиз «Абитуриент — 88» рубрикасининг иншо ёзишга тайёргарлик кўришда яхши ёрдам бераётганини таъкидлаб, адабиёт фани асосларини билиш ҳозирги даврдаги ҳар бир шахс учун зарур эканини қайд этадилар. Уларнинг кўпчилигини кириш имтиҳонларида тавсия этиладиган темалар қизиқтирмоқда.

Маълумки, 1988 йилда «Ўқитувчилар газетаси»да ўрта мактабни тугаллаш имтиҳонларида тавсия этиладиган иншолар тематикаси эълон қилинмади. Бу тадбир иншоларни ёзишда темаларнинг олдидан эълон қилиниши ўзини оқламагани натижасида амалга оширилди. Ўқувчиларнинг иншолари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлиб қолганлигининг сабабларидан бири ҳам бир қатор темаларнинг ҳаммиша такрорланиши эди. Ўзбекистон ССР Маориф Министрлигидаги мутасадди ўртоқлар бу камчиликни тугатиш учун мактаблардаги иншо темаларининг хилма-хиллигини таъминлаш чораларини кўрдилар.

1988 ўқув йилида кириш имтиҳонларида иншо ёзиш учун тавсия этиладиган темаларда ҳам маълум ўзгаришларнинг рўй бериши назарда тутилмоқда. Хусусан, агар авваллари иншоларга мактаб дарслигидаги темалар асос қилиб олинган бўлса, эндиликда кўпроқ ўқувчининг адабий материалга шахсий муносабатини билдиришини талаб этадиган мавзулар тавсия этилади. Улар орасида «Алишер Навоий шеърятини севиб ўқийман», «Фарҳод — мен севган қаҳрамон», «А. Қодрийнинг «Меҳробдан чаён» романидан олган таассуротларим», «А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида ҳозирги давр хусусиятларининг акс этиши» каби темалар мавжуддир. Бу ўринда айтиш керакки, образларга характеристика берувчи аънаванай темаларнинг ёзилиши биз қайд этган иншолар мавзусини ёритишга мос келмайди. Масалан, «Фарҳод — мен севган қаҳрамон» темасини ёритишда Фарҳод образига характеристика берилмаса, ишни ижобий баҳолаш мушкуллашади. Чунки бу иншога «Фарҳоднинг меҳнатсеварлигини ҳурмат қиламан» каби масалалар ҳақида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Ц—9 квартал, 17 уйда истиқомат қилувчи Гулчехра Рамазонова дугонаси Дилдора Алиева билан; Қорақалпоғистон АССР, Эллиққалъа райони, Ленин колхозидан Ханифа Ражапова; Сурхондарё область, Термиз шаҳри, Фурқат кўчаси, 44-уйда яшовчи Адолат Нодирова; Жиззах область, Мирзачўл районидagi Улуғбек номидаги 9-мактаб ўқувчиси Абдусалом Усмонов; Қашқадарё область, Қамашини районидagi «ЎзЛКСМ 40 йиллиги» мактабидан Ҳалил Маманазаров каби ўқувчилар иншо назариясига оид саволлар беришган. Жумладан, уларнинг айримлари «абзац» нима, қандай пайтларда абзацдан ёзиш керак, деб сўрашибди. Ўзбек-совет энциклопедиясида бу ҳақда шундай дейилади: «Абзац — босма ёки ёзма текстда хатнинг биринчи қаторидан ёки хат бошидан жой ташлаб бошлаш». Албатта, жой ташлаб хатни бошлаш, аввало, янги бир фикрни баён қилиш билан боғлиқдир. Иншо планида қайд этилган ҳар бир моддага жавоб беришда ҳам абзацдан ёзиш талаб қилинади. Ундан

ташқари бир моддага жавоб бериш жараёнида фикр бир масаладан иккинчисига кўчса ҳам абзацдан ёзилади. Маълум бўладики, абзац иншогаги фикрлар, масалаларнинг аралашиб кетмаслигига, ундаги изчилликни таъминлашга хизмат қилар экан. Иншоларда ўқувчи тўғри фикр юритган бўлса-ю, абзац қондасига риоя қилмаса, ёзма ишнинг изчиллиги, фикрни тартиб билан баён қилиши бузилади. Бу ҳолат иншо баҳолашда ҳисобга олинади.

Журналхонлардан Сурхондарё область, Гагарин райони, «Пограничник» совхозида яшовчи Карима Сафарова; Фарғона область, Киров райони, Шоберди қишлоғида яшовчи Комилжон Иброҳимов; Қашқадарё область, Шаҳрисабз район, Шўрчи қишлоғида истиқомат қилувчи Муртазо Эргашев кабилар иншо ҳақидаги мақолаларнинг кейинчалик ҳам эълон қилиб борилишини сўраганлар. Бу журналхонларнинг саволларини жуда ўринли деб ҳисоблаймиз.

«Еш куч» журнали ўз имкониятига қараб, кейинчалик ҳам «Абитуриент» рубрикасини давом эттириб боришга ҳаракат қилади.

Маълумки, журналимизнинг 1988 йил 2-сонида эълон қилинган «Мукамал иншо қандай ёзилади» мақоласида Сизлардан икки жумлага ўз муносабатингизни билдириш сўралган эди. Аввало, ушбу мақоламизда номлари тилга олинган ўртоқларнинг ҳаммалари берилган жумлаларда йўл қўйилган услубий хатони тузатиш йўллари кўрсатилганлар. Ундан ташқари Самарқанд областининг Нарпай районидagi «Октябрь» колхозидан Г. Қаймова, Қўшрабат районидagi «Зармитан» совхозидан А. Мукаррамов, шу райондаги 9-мактабдан Г. Шайманова, Советобод районидagi 21-мактабдан М. Равшанова, Самарқанд шаҳар, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уйда яшовчи Д. Султонова, Қашқадарё областининг Қамашини районидagi 15-мактабдан Қ. Мирзаев, О. Мардонов, Қарши шаҳридаги Комсомол кўчаси, 68-уйда яшовчи Г. Низомова, Чироқчи районидagi Охунбоев колхозидан Ж. Раҳимов, Андижон областининг Ленин районидagi ипакчилик совхозидан М. Абдуллаев, Хўжаобод районидagi Ширавулқол колхозидан И. Маҳкамова, Андижон шаҳар «СССР 60 йиллиги» ип газлама комбинати ишчиси А. Жалолов, Фарғона областининг Фрунзе районидagi «Сирдарё» совхозидан Г. Хидирова, шу район 38-мактаб ўқувчиси З. Зиёева, Бухоро областининг Когон шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси М. Қўзиёева, Ѓиждувон районидagi Ю. В. Андропов номидаги мактабнинг ўқувчиси Л. Раҳмонова, Хоразм область, Янгибозор районидagi «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Ф. Бобождонова, Наманган областининг Учкўрғон район, 20-мактабдан З. Қорабоева, Тошкент шаҳар, Октябрь районидан Г. Шораҳмедова, Жиззах область, Ғаллаорол районидagi 47-ўрта мактабдан М. Авазова, Сирдарё область, Ховос районидagi 26-ўрта мактабдан И. Тўрақулов, Навоий область, Қизилтепа районидagi С. Раҳимов номли мактабдан А. Холиқов каби ўртоқлар ҳам жумлаларни тузатиш йўллари кўрсатиб мактуб йўллаганлар. Тавсия этилган тузатишларнинг асосан тўғри эканини қайд қилгани ҳолда, гапларни грамматик жиҳатдан талабга жавоб беришини таъминлаш учун уларни бир неча вариантларда тузиш ҳам мумкинлигини билдириб ўтамиз. Жумлаларни қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Эркак киши ота номига муносиб, атрофидаги қариндош-уруғларга, яқин дўстларига содиқ бўлиши, фарзандлари шаънига доғ туширмаслиги лозим.

2. Ҳар бир ота ўз ўғлининг келажакда оила бошлиғи бўлишини ёдида тутиши лозим. Унга ҳеч қайси китобда ёзилмаган, аммо авлоддан-авлодга, отадан-ўғилга ўтиб келатган рўзғор тебратиш санъатининг қонун-қондаларини ўргата бориши керак.

Биз ўз мактувларини редакцияга йўллаган ҳар бир журналхонга миннатдорчилик билдираимиз.

Омонулла МАДАЕВ,  
филология фанлари кандидати.

# РУС ТИЛИ СЯВОЖЛАРИ

«Товарищ» = товар + эш

Хурматли ўқувчилар, биз рус тилида яхши сўзлашишни билишимиз билан бирга рус ва ўзбек тиллари орасидаги ҳамкорликни ва рус тилининг ўзбек тилига кўрсатаётган баракали таъсирини ҳам билишимиз керак. Бинобарин бугунги сабоқни мана шу масалага оид фактлардан бирини баён этиш билан бошлаймиз.

Биз кундалик ҳаётимизда ҳар кун китоб, газета ва журналлар ўқиганимизда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кўриб эшитганимизда жуда кўп мартаба рус тилининг «товарищ» сўзини учратамиз. Бу сўз ҳақида рус шоири В. И. Лебедев-Кумач ўзининг «Моя Родина» (Менинг Ватаним) шеърида шундай деган эди:

«Наше слово гордое «товарищ»  
Нам дорожке всех красивых слов».

Ифтихори зўр, ҳаммага ёқимли, ажойиб сўзлардан қимматли бўлган бу улғу рус сўзи барча совет халқигагина маълум бўлиб қолмасдан, балки қудратли рус тили орқали бутун жаҳон халқларига ҳам маълум десак хато қилмаган бўламиз. Лекин бу сўзнинг рус тилига кириб келиш тарихи ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак.

Рус тилининг этимологик луғатларининг кўрсатишича, бу сўз рус тили томонидан умумславян даврида туркий тиллардан ўзлаштириб олинган. Туркий тилларда бу сўз

қўшма сўз ҳисобланган, яъни «товар» (сотиш учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳар қандай мол) сўзига «эш» (ўртоқ, шерик) сўзининг қўшилиши натижасида «товарищ» сўзи ҳосил бўлган. Шундай қилиб, «товар» (мол, юк)ларни сотишдаги шерик маъноси билан бу туркий сўз рус тили томонидан дастлаб ўзлаштирилган.

Туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг луғат бойлигида бугунги кунда ҳам «товарищ» қўшма сўзини ҳосил қилган «товар» ва «эш» сўзлари қўлланилади. «Товар» сўзи ҳозирги ўзбек тилида иқтисодга оид термин: айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулоти, «савдо-сотиқ»даги ҳар қандай мол маъноларида, «эш» сўзи асосан «ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик» маъносида ишлатилади. Ўзбек тили шеваларида «эш» сўзи «бола туғилгандан кейин тушадиган қобиқнинг қолдиғи, яъни «йўлдош» маъноларида ҳам учрайди. Ўзбек тилида «Эш» деган эркаклар номи ҳам мавжуддир.

Рус тили томонидан ўзлаштириб олинган бу туркий сўз, рус тили заминидagi ўзининг маъно таркибини қатор маънолар билан бойитди. Машҳур 17 томли рус «Катта Академик луғати»нинг кўрсатишича, бу сўз ҳозирги замон рус адабий тилида қуйидаги маъноларда қўлланилади: «бирор одам билан бирор ишда, касбда, корхонада ва шу кабиларда қатнашувчи киши, шерик, ўртоқ», «бошқа кишилар билан умумий касб, иш жойи билан боғлиқ бўлган киши; ҳамкасб», «бирор

киши билан ҳамкорлик алоқаси боғлиқ бўлган киши; яқин дўст, ўртоқ», «бошқа одамлар билан ғоявий боғлиқ бўлган, улар билан умумий ишда, курашда ва шу кабиларда қатнашувчи киши; сафдош, ҳамфикр», «янги социалистик жамият кишиси; совет кишиси»; шунинг билан бир қаторда бу сўз (партия, совет) кишилари орасида улар фамилияси билан бирга қўлланилади. Бу сўзнинг «унвон ва лавозимларнинг номларида (революцияга қадар бўлган Россияда) — ёрдамчи, ўринбосар» маъноси рус тилида эскирган маъно ҳисобланади.

Бундан ташқари бизнинг Совет давлатимиз ва бошқа социалистик мамлакатларда «товарищ» сўзи энг кўп тарқалган мурожаат формасида ҳам ишлатилади.

Бу туркий сўз базасида рус тилида сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида қатор янги рус сўзлари ҳосил бўлган: «товарищеский» (ўртоқлик, дўстликка оид), «товарищество» (ўртоқлик, ўртоқчилик), «товарищески», «пo-товарищески» («ўртоқларча»), товарка (авом тилида қўлланиладиган эскирган сўз).

«Товарищ» сўзи рус тилида маъно жиҳатидан унга яқин бўлган ҳақиқий рус сўзлари «друг», «приятель», «дружок» билан маънодош бўлиб шу сўзлар орасида энг кўп қўлланиладиган, маъноси кенг бўлган бир сўз дир.

Сабоқни П. БАКИРОВ тайёрлади.

## Фойдали микроблар

Микроблар... Бу ҳақда гап кетса кўпинча ўз тасаввурларимизни турли касалликлар билан боғлаймиз. Турли микроорганизмлар анчагина зарар етказиши, кишилар, ўсимликлар ва жониворларни турли касалликларга чалиндиради, озик-овқат маҳсулотлари, саноат буюмлари ва бинокорлик материалларини бузиб, ишдан чиқаради. Шунинг учун микроблар олами билан етарли даражада таниш бўлмаган кишиларда микроорганизмлар фақат зарар етказар экан, деган фикр туғилиши табиий.

Лекин бундай фикр тўғри эмас: микробларнинг ҳаммасини ҳам бизнинг кўзга чалинмас душманларимиз, деб бўлмайди, уларнинг аксарияти бизнинг содиқ дўстларимиздир. Жонли табиатда бир жараён йўқки, унда тиниб-тинчимас меҳнаткашлар бўлиши микроорганизмлар қатнашмайдиган бўлса. Микроблар ўсимликлар қолдиқлари, чиқинди ва ахлатларни чирийтиб юборади. Микроорганизмлар бўлмаганида бутун планетамиз ахлат билан қопланиб қоларди, модда алмашуви рўй бермасди, микроблар иштирокисиз модда алмашилмагани сабабли Ерда ҳаёт ҳам бўлмасди.

Микроблар — оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган жуда майда тирик организмлар. Микроорганизмларнинг аксарияти бир ҳужайрали бўлиб, уларнинг ҳажми метрнинг бир неча миллион улушидан ҳам кичик, қисқаси микрометр ёки микрон атрофидадир. Ультрамикроблар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳажми миллимикронлар билан ўлчанади, бу эса микроннинг мингдан бир улушини ташкил этади.

Микроорганизмлар олами ниҳоятда ранг-баранг. Микроблар хилма-хил группалардан иборат бўлиб, сув ўтлари, мотор замбуруғлари ва ачитқилар, ўсимликлар туркумига киради; бакте-

риялар жониворлар дунёсига ҳам, ўсимликлар дунёсига ҳам кирмайди, томироқликлар, инфузориялар жониворлар оламига мансубдир. Баъзи микроорганизмлар оралиқ ҳолатида бўлади. Вируслар ва бактериофагларни ўз ичига олувчи ультрамикроблар эса умуман жонли ва жонсиз табиат чегарасида туради.

Бир ҳужайрали микробларнинг кўпчилиги бактериялар группасини ташкил этади. Бундай микроблар шакл жиҳатидан шарсимон (кокк), таёқчасимон, ипсимон бўлиб, кўринишда сершоҳ ва ўралган бўлади. Бактерия ҳужайрасининг ўртача диаметри бирикки микронга тенг. 1 см майдонга 10 мингтача микроб жойлаштириш мумкин. Аммо бактериялар орасида «митти» ва «улкан»лари ҳам бор. Ҳаракатдаги таёқча босқичидаги тугунчак бактерияларнинг ҳажми атиги 0,18 микрон бўлса, бегиотоа олтин гугурт бактериясининг диаметри 40—50 микрон, узунлиги эса 1 сантиметргача боради. Тўрт томчи сувда уч миллиардга яқин, яъни деярли ер юзи бутун аҳолиси микдорга тенг бактерияларни жойлаштириш мумкин.

Микроорганизмларнинг массаси жуда ҳам кичикдир. Бироқ уларнинг ҳажми ва салмоғини билиб олгандан кейин массасини ҳам аниқлаш мумкин. Микробларнинг узунлиги ўлчамини бўлинишлари бўлган микроскопик линейкалар ёрдами билан микроскоп тагида осон аниқлаш мумкин. Уларнинг ҳажмини эса геометрик формулар орқали ҳисоблаш қийин эмас. Микробларнинг салмоғи ҳам турли тадқиқот методлари билан аниқланади.

Совет микробиологи В. О. Таусон кўндаланг кесими 1 микрон бўлган 3 микрон узунликдаги бактериянинг вазни 0,000 000 000 01 грамм эканини ҳисоблаб чиқди. Немис олими А. Майер эса бактерия ҳужайрасининг чуқур моддаси ниҳоятда кичик — атиги 2,7 · 10<sup>15</sup> миллиграммга тенг эканини аниқлади.



Жиззах область, Октябрь районида ўтказилган «Балли, қизлар!» конкурси на фақат иқтидор, қобилият ва билимини эмас, балки унда қатнашган беш нафар қизнинг ҳозиржавоблиги, тошқирлигини ҳам синаб берди. Дугоналари, сафдошлари ичра чақноқ юлдуз — Охунбобоев номли совхознинг кутубхоначиси Дилбар Файзибоева конкурснинг голиби деб топилди.

Суратда Д. Файзибоева (юқоридан пастда) ва ҳаяжонли дақиқалардан лавҳалар.

Умарали ҚУШБОҚОВ фотоси.





Биринчи мақола

Вояга етмаганлар колонияси ҳақида илгари матбуотда ёзилмасди. Ҳолбуки, «...Ватан обод, ҳамма бахтиёр» бўлган яқин ўтмишда ҳам бундай колониялар мавжуд эди. Бир пайтлар сал шўхроқ болаларни колониялардан чўчитишарди. Йиллар ўтиб буни ҳам унутдик. Бора-бора хотирамиздан колония ва унинг ваҳимаси ҳақидаги тасаввурлар ўча бошлади. Матбуот, радио-телевидение мумкин қадар бу сўзни четлаб ўтадиган бўлди. «Ҳар бир ҳарфнинг этагини кўтариб кўрадиган» ҳушёр муҳаррирлар эса бу жумлани мумкин қадар халқ кўзидан пана қилишга зўр бердилар.

Революциядан кейин ташкил этилган Макаренко мактабида 100—120 нафар ўсмир тарбияланган. Улуғ мураббий ўсмирлар билан якка тартибда иш олиб бориш учун бундан ортиқ контингентга қарши чиққан. «Соҳта беҳбудлик» йилларида эса колониялардаги ўсмирлар сони 300 танинг нари-берисида бўлиб қолди. Натижада ўсмирлар билан якка тартибда иш олиб бориш мураккаблашди. Колониялар «тузатиш — меҳнат муассасаси» деган номни тўлиқ оқламай қўйди. Бугунги кунга келиб колонияда «ўтириб» чиққан 5—6 ўсмирдан бири «онгли равишда» жиноятга қайта қўл урмоқда. Ваҳоланки, ўсмирларнинг баъзилари «тўқликка-шўхлик» орқасида колонияга «йўли тушган»ини назардан қочирмасак, бояги рақамларнинг салмоғи янада катталашади.

Биз аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришнинг ҳавосини ҳўп олганмиз. Уларни пойтахтга, йирик шаҳарларга саёҳатларга олиб борамиз. Олтин медаль, Фахрий ёрлик бериб тақдирлаймиз. Буларга ҳеч маблағ аямаймиз. Нега тарбияси оғир ўсмирларни саёҳатга олиб бориш мумкин эмас?! Айтайлик, колонияларга! Улар тоғ-тошларга саёҳат қилишга қизиқшмаса, лоақал тош девор ортидаги тенгқурлари ҳаёти билан қизиқишар?! Колониядаги тенгдошлари билан учрашишганда илгари хаёлларига келмаган мавзу — «ҳаёт ва одамлар», «жиноят ва жазо» ҳақида ўзаро фикр алмашишар?!

Ўсмирлар ўртасида жиноят содир қилиш ҳоллари кескин камаймаётганлиги бизни бошқача бир — самара келтирадиган қалтис йўллар ахтариб топишга мажбур қилиши керак-да, ахир?! Бизнингча бундай тарбиявий тадбирларга маблағ аямаслик керак.

Яқинда Марказий телевидение орқали Абовян (Арманистон) даги меҳнат-тарбия муассасаси ва унинг бошлиғи Сергей Саакович Мартиросян ҳақида телефильм намойиш қилинди. Полковник С. С. Мартиросян 30 йилдан буён тарбия-меҳнат муассасасида ишларкан, Абовян колониясида тарбияланганларнинг ҳар 100 тасидан 2 тасигина қайта жиноятга қўл урар, бу кўрсаткич эса мам-

лакатдаги бошқа колониялардан 8—10 марта кам экан.

«Мен аминман, — дейди Сергей Саакович, — мақсадимиз колониядаги болаларни жамиятга қайтариш экан, бундаги баъзи тартибларни қайта кўриб чиқиш керак. Энг аввало колониядаги болаларнинг кийимини, овқатини яхшилаш керак. Болалардаги кўзга хунук кўринадиган аристонча қора кийим кийдириш нотўғри менимча. Болалар бу ерда меҳнат орқали тарбияланади. Демак, у меҳнатига ҳақ олар экан, ўзлигини ерга урадиган эмас, ўзини ҳурмат қиладиган тарзда тузукроқ кийиниши керак. Қолаверса, 58 тийинлик овқат «ишлаб чарчамайдиган, еб тўймайдиган» ёшдаги ўсмирлар учун камлик қилади. Биз уларни жамиятга кучли қилиб қайтаришимиз керак», — деб ҳисоблайди Мартиросян.

Бу фикр биз учун қутилмаган янгилик эди. Назаримизда колониядаги меҳнат, кийим болада унга нисбатан нафрат туйғусини шакллантирса, мана шунинг ўзи тарбия, деган фикрда эдик. Ўсмир шундан кейинги сафар яна шу рўдапо кийим, шароитга тушишдан чўчиб жиноятга қўл урмайди дердик. Ҳолбуки, Мартиросян бу ҳолда ўсмирда колонияга нисбатан эмас, одамларга нисбатан аламзадалик шаклланади, деб ҳисоблайди.

...Қафасда турган кийик боласига қамоқдаги ўсмирлар навбати билан ем беришади. Пайти келиб болалар Мартиросян етакчилигида кийикни озодликка қўйиб юборишади. Ўсмирларда жонзотларга меҳр уйғотиш, уларни озодликка қўйиб юбориш — буям Мартиросяннинг тарбиявий усули.

Колониядан чиққан ўсмирларни тарбиялаш ишларида ҳам талайгина чалкаш муаммолар мавжуд. Болалари колониядан чиққандан кейин баъзи ота-оналар улардан воз кечади. Воз кечганда ҳам «ақлли йўл» тутишади. Суд йўли билан эмас, болаларнинг юзига «энди сенинг менга керагинг йўқ, менинг юзимни шувит қилдинг», «ўтириб» чиққанингдан кейин тўрт томонинг қибла» дейишади. Юридик йўл билан боладан воз кечган ота-она талай масъулиятларни бўйнига олиши керак. Икки ойда, ўзини яхши тутса, ойда бир марта болага яқинлари билан учрашишга ота-онада имкон бор. Ҳолбуки, боласининг ҳолидан хабар олиш тугул, унга ҳатто икки энлик хатни раво кўрмайдиган ота-оналар борлигини англаб, ўсмирни колонияга етаклаган омиллар ҳақида ўйлашиб қоласан киши.

Ота-онасига ўзининг керак эмаслигини эшитган ўсмир озодликка чиққанида ташвиши яна кўпаяди. Бола қаерга бориши керак. Иззат-нафси поймол бўлган ўсмир уйига қайтмайди. Уни ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш керак. Акс ҳолда уй-жойсиз қолган ўсмир янги жиноятларга қўл уриб юбориши аниқ.

Афсуски шундай пайтларда ҳаётда қоқилган ўсмирга йўл кўрсатиш, ёрдам бериш ўрнига аксинча иш қиламиз.

16 ёшли ўсмир тарбия-меҳнат колониясида ўтириб чиққач, ишга кирмоқчи бўлиб кўпгина муассасаларга қатнайди. Тошкент шаҳар районларидан биридаги балоғатга етмаганларнинг иши бўйича тузилган комиссия унинг тақдирига лоқайд қараган. Бола ишга борса паспорт, паспортга борса «аввал ишга жойлаш» деб талаб қилишган. Ота-онаси эса ундан воз кечиб қўя қолишган. Пировардда у ўғирлик қилиб қўлга тушган. Ҳозир у яна колонияда.

«Социализм шароитида йўлдан адашган одам яна меҳнат қучоғига қайтиши мумкин» — муассасада чиқариладиган деворий газетага болалар шу эпиграфни танлашибди. Жиноят қилиб жазо олган ўсмир жамиятга, одамлар орасига қайтишидан ҳамма манфаатдор.

Бугун жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида қайта қуриш бошланди. Касални тузатиш учун аввало дарднинг қай даражада эканини аниқлаб олиш керак. Партиямиз бунинг учун матбуотга ошкоралик ҳуқуқини берди. Ошқора бўлайлик, турғунлик даврида судлов ишларида ҳам жуда кўп жиноятлар юз берди. Биз ўрганаётган муассаса бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Жўраев билан суҳбатлашаётимиз, мавзуни шу томонга бурдик.

«...Д. шахрилик 15 ёшли Худойдодов К... 1980 йилда тарбия муассасасига Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 94 моддаси билан айбланиб тушган. «Бола тинимсиз йиғлар, ноҳақ қамалганини бизга уқтирмоқчи бўларди» — деб ҳикоя қилади капитан Жўраев. Бола художўй оиладан эди, гоҳо бир четга ўтириб номоз ўқиётганини кўриб қолардик. Одатда у номоз охирида кўкка тавалло қилиб, «Э худо, нима гуноҳим бор эди, мени бундай жазолайсан» деб илтижо қилиб йиғларди. Ювош боланинг одамнинг юрагини эзадиган йиғисидан кейин унинг жиноятига шубҳам туғилди. Биз прокуратурага қайта-қайта муурожаат қилсак ҳам у ердан кўп ўтмаёқ силлиққина «айбдор»лигини пеш қилувчи қорозлар келаварди. Воқеага Москва терговчиси аралашгандан кейин боланинг айбсизлиги маълум бўлди. Равшан бўлишча, боланинг ити бойвачароқ қўшнисининг боласини тишлаб олган экан. «Бой» шунақасига қасд олибди. Бола эса бир йилдан зиёд азоб чекди...»

Бугун жамиятимизда давом этаётган инқилоб вояга етмаганлар колониясида ҳам чуқур ўзгаришлар ясашга қодирдир. Буни кейинги 2—3 йил ичида ўсмирлар ўртасида жиноят содир қилиш ҳийла озаёгани баробарида колонияни «обод» этувчилар сони ҳам тобора камайётганидан ҳам билиш мумкин. Лекин барибир унинг тўпланиб қолган қатор муаммолари бор. Уларни ошқоралик кўзи билан кўриб, одиллик билан ҳал қилишни социалистик жамиятнинг табиати, айниқса унинг келажаги тақозо этади.













## 5 тур жавоблари

1. Стол устида чиғаноқ (шиллик қурт) ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилмоқда. У ҳар 15 минутда 90 градусга бурилади ва бурилишлар ораси тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилади. Унинг чиққан жойига қайтиб келиши учун бутун соатлар сарф бўлишини исботланг.

Чиғаноқнинг бошланғич пунктдан узоқлашадиган горизонтал звенолари (звено деб 15 минутда чиғаноқни юрган кесмасини тушунилади) сони уни бошланғич пунктга яқинлашувчи звенолари сонига тенг. Демак, барча горизонтал звенолари жуфтдир. Худди шунга ўхшаш мулоҳаза билан вертикал звеноларининг ҳам жуфтлигини кўрамиз. Демак барча звенолари сони 4 га қаррали эканлиги келиб чиқади. У ҳолда

$$(2n+2n) \cdot 15 \cdot \frac{1}{60} = n$$

соат. Шунинг исбот қилиш талаб қилинган эди.

2. Шахматчилар турнирида жами 55 партия ўйнади. Мусобақадан икки ўйинчи чиқиб кетди, ундан бири 10 партия, иккинчиси эса бир партия ўйнаган эди. Бу шахматчилар ўзаро учрашганими?

Фараз қилайлик  $X$  турнир иштирокчилари сони бўлсин, у ҳолда турнир тугагунча ўйнаганлар  $X-2$  та шахматчидир. Улар ўзаро

$\frac{(X-2)(X-3)}{2}$  партия ўйнашган. Бизни қизиқ-

тирувчи, иккита шахматчи 10 та ёки 11 учрашувда қатнашиб, бу уларни ўзаро учрашувига боғлиқ. Шундай қилиб иккита квадрат тенгламани кўрамиз:

$$\frac{(X-2)(X-3)}{2} + 10 = 55$$

ва 
$$\frac{(X-2)(X-3)}{2} + 11 = 55.$$

Бизни бу тенгламаларнинг бутун ва мусбат ечимлари қизиқтиради. Бундай ечимга ( $X=12$ ) фақат биринчи тенгламагина эга бўлади, демак ўйиндан чиқиб кетган шахматчилар ўзаро ўйнашган экан.

3. Ҳеч қандай  $a, b, c$  ҳақиқий сонлар учун бир вақтни ўзида қуйидаги учта тенгсизликлар бажарилмаслигини исботланг:

$$\begin{aligned} |a| < |b-c|, \\ |b| < |c-a|, \\ |c| < |a-b|. \end{aligned}$$

Берилган тенгсизликларни квадратга кўтарсак:

$$\begin{aligned} |a|^2 &< |b-c|^2, \\ |b|^2 &< |c-a|^2, \\ |c|^2 &< |a-b|^2. \end{aligned}$$

бундан

$$\begin{cases} (b-c)^2 - a^2 > 0, \\ (c-a)^2 - b^2 > 0, \\ (a-b)^2 - c^2 > 0; \end{cases}$$

ёки

$$\begin{cases} (a+b-c)(b-c-a) > 0, \\ (b+c-a)(c-a-b) > 0, \\ (a-b+c)(a-b-c) > 0; \end{cases}$$

Бу тенгсизликларни кўпайтириб

$$-(a+b-c)^2 (b+c-a)^2 (a+c-b)^2 > 0,$$

яъни нотўғри тенгсизликка эга бўламиз. Демак, масала тасдиғи тўғрилиги исботланди.

4. Битта доира ичига ўзаро ўхшаш, лекин тенг бўлмаган учбурчаклар чизиш мумкинми?

Йўқ. Ўхшаш учбурчаклар тенг бурчакларга эга бўлади, ички чизилган тенг бурчаклар тенг ёйларга тиралган бўлади. Тенг ёйлар тенг ватарларни тортиб туради.

5. Фазода ихтиёрий иккитаси ўзаро перпендикуляр бўлган тўртта учрашмас (айқаш) тўғри чизиқлар мавжудми?

Фараз қилайлик шундай бўлсин. Ўзаро перпендикуляр бўлган 4 та айқаш тўғри чизиқлардан ихтиёрий иккитасини оламиз. Бу икки тўғри чизиққа параллел бўлган барча текисликлар ўзаро ҳам параллел бўладилар. Бу текисликлардан бирини оламиз. Қолган икки тўғри чизиқ бу текисликка перпендикуляр бўлади. Демак бу тўғри чизиқлар ўзаро параллел бўлиши керак. Лекин иккита тўғри чизиқ бир вақтнинг ўзида бир-бирига ҳам параллел ҳам перпендикуляр бўла олмайди. Биз зидликка келдик. Демак, бизнинг фаразимиз нотўғри. Шундай қилиб, фазода ҳар бир жуфти ўзаро перпендикуляр бўлган тўртта айқаш тўғри чизиқ мавжуд эмас экан.

Б. РИХСИЕВ, Т. ҚУРҒОНОВ, З. ҚУРҒОНОВ.

## БЎШ ВАҚТЛАРДА

### 5 минутда еча оласизми?

Қадри қўвчилар! Чизғич, циркуль ва қалам ёрдамида ажойиб геометрик яшашларни бажарилишини жуда яхши биласиз! Аммо сонлари берилмаган ва икки ён томонлари параллел бўлган чизғич ва қалам ёрдамида ҳам шундай ишларни бажариш мумкинлигини биласизми? Сизларни ўз билимингизни синаб кўришингиз учун қуйидаги масалаларни ечиб кўришингизни тавсия қиламиз.

1. Ихтиёрий ўткир бурчакнинг биссектрисасини ўтказинг.
2. Ихтиёрий кесмага тенг кесма ясанг.
3. Ўткир бурчаги ихтиёрий бўлган ромб ясанг.
4. Ихтиёрий бурчакка тенг бурчак ясанг.
5. Маркази берилмаган айлананинг марказини топинг.
6.  $45^\circ$  ли бурчак ясанг.

Мамадали ЭРҒАШЕВ,  
Андижон область, Избоскан район  
халқ маорифи бўлимининг методисти.



## Қизиқарли саволлар

Ҳурматли «Ёш куч» редакцияси! Журналнинг ҳар сониди ёритилаётган мақолаларни бизнинг 53-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабалари ва ўқитувчилари севиб ўқийдилар. Журналга уларнинг бешдан тўрт қисми обуна бўлишган. «Ёш куч»дан айниқса, математика ихлосмандлари хурсанд. Улар математикага доир мисол ва масалаларни мароқ билан ечишмоқда. Бундан ташқари ўқувчиларимиз тўғрақ машғулотларида қизиқарли математика масалаларини ечишни яхши кўришади. Шундай мисоллардан редакцияга жўнатяпмиз. Уларни республикаимиз ёшларига ҳам етказишларингизни илтимос қилардик. Бу мисоллар тўғри ҳал қилинса турли, саналар, статистик маълумот ва шу каби келиб чиқади.

$$\log_5 125^x - \log_5 25^x + \log_5 5^x = 2 \cdot \log_3 3^{\frac{37}{2}}$$

логарифмик тенгламани ечангиз  $X$  нинг қиймати орқали Ўзбекистон республикасининг аҳоли сонини билиб оласиз (миллион ҳисобида).

2.

a)  $\sqrt{2x-86} - \sqrt{x+1901} = 0$

b)  $y^2 - 7y - 8 = 0$

в)  $2^{2(z-3)} = 16^{\frac{9}{2}}$

тенгламаларни ечиб  $X$  нинг қиймати орқали дунёда энг буюк воқеалардан бири бўлган ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Совет—Америка шартномасининг имзоланган йилини,  $Y$  нинг қиймати орқали кунини,  $Z$  нинг қиймати орқали эса нечанчи ойда эканлигини билиб оласиз.

3.  $2x^2 - 5x - 42 = 0$  Квадрат тенгламани тўғри ечангиз  $X$  нинг мусбат қиймати орқали Самарқанд областидаги олий ўқув юртларининг сонини билиб оласиз.

Эргаш РАҲИМОВ,  
Самарқанд область, Большевик райони.





Сен, дўстим, гулларни авайла, сизгин,  
Ҳар майса, гиёҳнинг эгил қошида.  
Улар ўсаверсин барқ уриб, тағин  
Борлигини ювиб Шарқ қуёшига.

Пурвиқор тоғларга сажда қил ҳар кун,  
Буюклик шундадир, мангулик шунда.  
Уларга тўш уриб яшайди юртим,  
Собитлик тимсоли тоғлар, очунда.

Меҳринг табиатдан дариг тутмагил,  
Сенинг ардоғингга у мудом муҳтож...

ЖАМШИД

В. МОИСЕЕВ фотоси.

Билдоси 35 тиними. Индекс 75242.



# Мардлик синови.

З. КАРИМОВ фотоси